



Ўзбекистон Республикаси
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг
Тараққиёт Дастури



Ногиронлар учун қулай муҳит яратиш асослари



Тошкент 2010 йил



Ўзбекистон Республикаси
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг
Тараққиёт Дастури



Ногиронлар учун қулай муҳит яратиш асослари

Тошкент 2010 йил

Мазкур «Ногиронлар учун қўлай муҳит яратиш асослари» ишлаб чиқарилган:

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистонда БМТТДнинг «ACCESS: ногиронлиги бор инсонларни ҳаётий фаолият муҳитига кира олиш, фуқароликни англаш ва ижтимоий қўллаб — қувватлаш» ҳамкор лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси.

Муҳаррирлар:

Я. Е. Чичерина («ACCESS» лойиҳаси);

Б. Б. Алимухамедов (МАИМҚВ);

М. К. Ачилов (Давархитектқурилиш).

Таржимон: ф. ф. н., доц. А. Х. Арипова

Нашр архитекторлар, қурувчилар, лойиҳаловчилар, объект қурилиши буюртмачилари, ташкилот раҳбарлари учун методик материаллар маълумотномаси сифатида тайёрланган, ногиронлиги бор инсонлар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД) БМТнинг тараққиёт соҳаси доирасида глобал тармоғи бўлиб, аҳоли ҳаётини яхшилашда кўмаклашиш мақсадида янгилик яратишни қўллаб-қувватлаш ҳамда билим манбалари, амалий малака ва заҳиралардан фойдаланиш учун имкониятга эга бўлишиликни таъминлайди.

Ушбу нашрда баён этилган фикр-мулоҳазалар муаллифлар нуқтаи назаридан ифодаланган бўлиб, БМТнинг Тараққиёт Дастури расмий нуқтаи назари билан мос келмаслиги мумкин.

Ушбу нашр ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси ёрдамида чоп этилди.

Қўлланманинг электрон нусхасини UNDPнинг WEB сахивасида ўқишингиз мумкин: www.undp.uz/publications

Бепул тарқатилади

ISBN 978-9943-17-022-3

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2010 й.

© Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, 2010 й.

© Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, 2010 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
НОГИРОНЛИГИ БОР ИНСОНЛАР ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ МУХИТИДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ТАЪМИНЛАНИШИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	5
1. Ногиронлар ҳуқуқлари, иш берувчилар мажбуриятлари ва уларнинг имтиёзлари	5
2. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари, туарар — жой, ҳамда жамоат худудларида қулайликларни таъминлаш	7
3. Туарар — жой таъминоти (ногиронларнинг эҳтиёжлари ва маҳсус шароитларини ҳисобга олган ҳолда)	19
4. Маданий — манший хизмат кўрсатиш ҳамда жамоат объектларидан қулайликларни таъминлаш	24
5. Таълим қасбга тайёрлаш ва олий ўқув юргилари биноларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш	31
6. Ногиронларнинг иш жойларида қулайликларни таъминлаш	36
ИЛОВАЛАР	39
<i>Илова 1.</i> Капитал қурилишни босқичма-босқич, майдонча танлашдан то объектни фойдаланишга топширилгунига қадар, амалга ошириш эслатмаси	39
<i>Илова 2.</i> Капитал қурилиш (қайта таъмирлаш) ни амалга oshiришда тўлиқ иш циклининг харита-схемаси	46
<i>Илова 3.</i> Иш берувчининг фуқаролик масъулиятини мажбурий сугурталаш юзасидан эслатма	50
<i>Илова 4.</i> Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларига мувофиқ ишларни ташкил қилиш учун корхона раҳбарлари (иш берувчилар)га тавсиялар	51
<i>Илова 5.</i> Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни	53
<i>Илова 6.</i> Қонунчилик ҳамда норматив – ҳуқуқий асосланиш юзасидан ҳаволалар	63

КИРИШ

Мазкур қўлланма ногиронлиги бор инсонлар ҳәёти ва фаолияти муҳитида имкониятлар яратишнинг меъёрий – ҳуқуқий ваколатларини тушунтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 июлда қабул қилинган №ЎРҚ-162 «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида » янги таҳрирдаги қонунига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган. Ушбу Қонунда ногиронлиги бор инсонлар ҳәёти ва фаолияти муҳитида имкониятлар яратишнинг қатор талаблари инобатга олинган ҳолда, куйидаги муносабатларни тартибга солиши зарурини назарда тутилади:

- турар-жой туманлари ҳамда аҳоли пунктлари ҳудудларини лойиҳалаштириш ва қуриш;
- бинолар, иморат, мажмуа, муҳандислик алоқаларини юритиш юзасидан таъмирлаш ишлари ҳамда янги қурилиш борасидаги лойиҳавий қарорларнинг қабул қилиниши;
- автойўл, хавфсиз йўлкалар, пиёдалар йўлкаси, бекат майдончалари, йўл кўрсаткичлари кабиларни мослаштириш ишлари;
- транспорт воситалари, умумий фойдаланиш ва информацион алоқа воситаларини тузиш ҳамда ишлаб чиқиш;
- таянч – ҳаракатланиш тизимида айрим тиббий нуқсонларга эга кишилар қатновларини енгиллатиш воситалари, кўриш ҳамда эшитиш юзасидан ногиронлиги бор кишиларнинг ҳәётга мослашиб яшашлари учун (реабилитация) техник воситалари билан таъминланиши.

Ногиронлиги бор инсонларнинг бинолар, иморат ҳамда инфратузилма обьектлари ҳудудларидан фойдаланиш фаолиятларида, имкониятга эгалик таъминоти мақсадидан келиб чиқадиган масалаларни тушунтириш ва ойдинлаштириш учун қўлланмага қўйидаги маълумотлар бириктирилди:

«Капитал қурилишни босқичма-босқич, майдонча танлашдан то объектни фойдаланишта топширилгунинг қадар, амалга ошириш юзасидан эслатма» (*1-илювада*).

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги объектларнинг капитал қурилиш (қайта таъмирлаш)ини амалга оширишда тўлиқ иш циклининг харита-схемаси» (*2-илювада*).

Мутахассис ҳамда ногиронлиги бор инсонларнинг меъёрий – ҳуқуқий далолатномалар борасида, меъёр ҳамда талаблар доирасида белгиланадиган имкониятга эгалик таъминоти юзасидан билиб иш қўришлари ҳамда ногиронлиги бор инсонлар ҳәёти ва фаолияти муҳитида имкониятга эгалик таъминланишини йўлга қўйиш мақсадида, қўлланманинг «Қонунчилик ҳамда норматив – ҳуқуқий асосланиш юзасидан ҳаволалар» бўлимида, Ўзбекистон Республикасида қабул қилиниб, фаолият юритилаётган норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати келтирилган (*5-илювада*).

Қўлланма лойиҳалаш ташкилотлари учун, Ўзбекистон Республикасида капитал қурилиш доирасида фаолият юритаётган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда, ногиронлиги бор инсонлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, шаҳарсозлик фаолияти объектларини лойиҳалаш ҳамда ҳисобкитоб ҳужжатларини ишлаб чиқиши жараённида долзарбdir.

Бундан ташқари, қўлланма ногиронлиги бор инсонлар ҳәёти ва фаолияти муҳитида имкониятлар яратиш борасида, юзага келадиган қатор масалаларни ҳал қилишда, иш юритаётган ташкилот раҳбарлари учун дастуруламал вазифасини ҳам ўтайди.

НОГИРОНЛИГИ БОР ИНСОНЛАР ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ МУҲИТИДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ТАЪМИНЛАНИШИННИГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1

НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ИШ БЕРУВЧИЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИМТИЁЗЛАРИ

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиши тўғрисидаги Узбекистон Республикаси қонунининг 5-моддаси»

«Давлат ногиронлар турмуш фаолиятининг чекланганлигини баҳолаш асосида уларнинг ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимоя чора-тадбирларига бўлган эҳтиёjlари ҳисобга олиниши таъминланишини, ногиронларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоя қилишининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган турларидаги дастурлар амалга оширилишини, ногиронларнинг жамият билан уйгуналашиши учун шароитлар яратилишини, ногиронларни камситишнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини кафолатлади».

1.1. Республикада ҳукумат жабҳаларининг давлат сиёсатидаги устувор йўналишлари қаторида ногиронлиги бор кишилар ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда имкониятларининг тенглиги, эркинлик ва ҳуқуқий манфаатлар таъминоти, хурмат-эътибор нуқтаи назаридан гуур ва шахсиятини ҳимоялаш, ижтимоий муҳофаза ҳақидаги қонунларга асосланган ҳолда амал қилиш, мактабгача ҳамда мактабдан ташқаридағи фаолиятида ногирон болаларнинг таълими таъминоти, уларнинг ўрта, ўрта-маҳсус, касб-хунар ва олий таълим олишларида имкониятга эгалик таъминоти, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси бўйича давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти доирасида кенг қамровлилик ва самимийлик, ногиронлиги бор кишилар эҳтиёjlари ва эркинлекларининг қонуний асосланганлиги, давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ногиронлиги бор инсонларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги ва уларга нисбатан камситилиш муносабатларининг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик кабилар шулар жумласидандир.

1.2. Ногиронлиги бор кишиларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлик ҳамда малакасини ошириши кабилар, мактабгача ва ўрта мактаб таълими, оиласда ҳамда мустақил таълим олиш усусларида таянган ҳолда давлат таълими стандартлари асосида, ишлаб чиқариш фаолиятидан ажralиб ёки ажralмаган тарзда, амалга оширилади.

1.3. Ногиронлиги бор инсонлар одатдаги меҳнат шароитлари асосида фаолият олиб борувчи корхоналарда, ихтисослаштирилган ташкилотларда, ногиронлар кучидан фойдаланувчи цех ҳамда бўлинмаларда, шу каби хусусий-меҳнат ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш тартиботларида қонунчилик томонидан белгиланган барча тузилмаларда фаолият юритиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Шу қаторда, меҳнат шарт-шароитлари, хусусан иш ҳақи, иш тартиби, меҳнат қилиш ва дам олиш вақтлари, йиллик ҳамда кўшимча меҳнат таътили давомийлиги ногиронлиги бор кишилар имтиёзларини ҳисобга олувчи амалдаги қонунчилик томонидан тартибга солиниб борилади.

1.4. Ишловчилар сони йигирма кишидан ортиқ иш берувчи ташкилотлар ишчи кучи умумий сонининг уч фоизидан кам бўлмаган ўринларни, ногиронлиги бор инсонларни иш билан таъминлаб боришлари мақсадида, мажбурий равишда заҳирага олиб кўйишлари лозим. Ногиронлиги бор инсонларга энг кам миқдорда иш ўринларини яратиб бериш юзасидан қабул қилинган, жойлардаги давлат ҳокимиияти органлари қарорларини амалга оширмаслик ҳолати юз берган чоғда, иш берувчи ташкилотга нисбатан мазкур ташкилот, муассаса ҳамда корхона ишчисининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги жарима солинади. Жаримани қоплаш ҳолати иш берувчи ташкилотни Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни талабларини тўлақонли равишда бажариб боришларидан озод қилмайди.

1.5. Ташкилотларда фаолият юритаётган ногиронлиги бор инсонларга реабилитация бўйича шахсий дастурга биноан лозим шарт-шароитлар яратилиб берилади.

1.6. Турар жой қонунчилигига биноан ногиронлар ёки ўз таркибida ногирон бор оиласалар учун уй-жой қуриш, сотиб олиш ва фойдаланишлари юзасидан имтиёзлар яратилиб берилади. Ободончилик нуқтаи назаридан, шароитга эга турар — жой таркибida иш жойи, даволаш-профилактика муассасалари ҳамда транспорт йўналишларига яқинлик ҳолатлари инобатта олиниши керак.

1.7. Ногиронлиги бор болаларга ижтимоий хизмат юритувчи муассасалар таркибидаги, мақоми юзасидан ногиронлиги бор болалар балоғат ёшлирига етгач, навбатдан ташқари равишда, мустақил ҳаёт кечира олишлари исботланган ҳолатда, турар — жой билан таъминланадилар.

1.8. Ижтимоий хизматлар (дори-дармонлар билан таъминлаш, техник анжомлар тақдим этилиши, маиший ҳамда транспорт хизматларининг ҳавола этилиши) қонунчилик томонидан белгиланган имтиёзли тартибда ёки бепул равишда амалга оширилади.

1.9. Агарда ишчи ходим иш берувчининг айби билан ногиронликни ортираса ҳамда ўзганинг кўмак ва ёрдамига муҳтож бўлса, бу ҳолатда иш берувчи ўз шахсий ҳисобидан, жабрланган ногирон инсонга ишга лаёқатсизлик даври ҳамда моддий зиён ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб бориши шарти билан кўмаклашадиган шахс хизматларини тўлаб бориши лозим. Батафсил маълумот, мазкур қўлланманинг 3-иловаси «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш юзасидан эслатма» да келтирилиб ўтилган.

1.10. Ногиронлиги бор инсонлар учун реабилитацион техник восита ҳамда хизматлар, қоидага биноан, табиий шаклда тақдим этилади.

1.11. Иш берувчига, ишга ногиронлиги бор инсонларни қабул қилишида, қабул қилинган кишилар сонига қараб солиқ имтиёзи тақдим этилади.

1.12. Ногиронлиги бор инсонлар билан меҳнат шартномаси тузишни рад этиш, ёки иш юзасидан лавозимининг оширилишига тўсқинлик қилиш, иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини тўхтатиш, ногирон кишининг ўз розилигисиз, имконияти чекланганлигини рўйач қилган тарзда бошқа иш жойига кўчириш каби ҳолатларни амалга ошириш таъкиқланади. Истисно ҳолатлари, агарда ногиронлиги бор кишиларнинг, қачонки саломатлиги касбий мажбуриятларини бажаришида тўсқинлик қилса, ёки унинг ва ўзгаларнинг соглиги ҳамда хавфсизлигига таҳдид солса рухсат этилади. Янада батафсил маълумотлар, «Муассасалар раҳбарларига Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунига мувафиқ равишда иш жойларини яратиш бўйича тавсия» деб номланган 4-иловада келтирилади.

2


ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ, ТУРАР — ЖОЙ, ҲАМДА ЖАМОАТ ҲУДУДЛАРИДА ҚҰЛАЙЛИКЛARНИ ТАЪМИНЛАШ

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9-моддаси

«Ногиронларнинг кириши ва фойдаланиши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришга, турар — жой даҳаларини барпо этишга, янги қурилиш учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишга, бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларни реконструкция қилишга, шунингдек транспорт воситаларини, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга йўл қўйилмайди»


2.1. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари турар — жой ҳамда жамоат ҳудудлари доирасида имкониятга эгалик таъминоти қурилиш лойиҳалари, таъмирлаш ҳамда алоҳида архитектура-шаҳарсозлик тадбирлари, санитария-гигиена ва қурилиш меъёrlари, жумладан 0092-99-сонли СанҚ ва Н, ШНҚ 2.07.01-03, ШНҚ 2.07.02-07 ҳамда бошқа меъёрий хужжатлар билан бир қаторда амалга оширилади.

- Санитария-гигиена ва қурилиш меъёrlарига мувофиқ равишида, шаҳар ҳамда қишлоқ аҳоли ҳудудлари доирасида кишилар саломатлиги хавфсизлиги юзасидан, яшашлари учун муқобил ташки мухит яратилиши лозим (*1, 2, 3-расмлар*).
- Шаҳарсозлик меъёrlари доирасида турар — жой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотлари, транспорт воситалари, муҳандислик инфратузилмаси кабиларни жойлаштириш тартиботи белгиланса, санитария-гигиена меъёrlари борасида эса санитария — ҳимоялаш доираси, автойўллар билан оралиғдаги масофада бинолар, жамоат транспорти бекати ва хизмат кўрсатиш обьектларининг имконият радиуси доирасида жойлашуви назарда тутилади.




1-расм. Туар - жой биносуннинг кириш зонаси (киравериши):

- 1 — түсиқли пандуслар;
- 2 — күзи ожиз ва кўришида муаммоси бор кишилар учун гадир-будур йўлакча;
- 3 — останасиз технологияга асосланган, икки томонга суриладиган остана эшиги;
- 4 — ёритиш, товушли, Брайл шрифти асосида маълумот улашишга асосланган хабар берниш мосламасининг ўзлон ёзуви;
- 5 — күзи ожиз ва кўришида муаммоси бор кишилар учун гадир-будур йўлакча. Умумий фойдаланишга мўлжалданган зинапоя.



2-расм. Ижтимоий биносинг кириш жойини ташкиллаштириши:

- 1 — иншоот номланиши;
- 2 — ўзаромулоқот мосламаси (домофон);
- 3 — Брайл шрифти асосида бино номланиши;
- 4 — дагал йўлакча;
- 5 — бинога кираверишининг останасиз эшиги.




3-расем. Жамоат биносига кираверишида гадир-бұдур йұлакча ҳамда түсікүлі пандусларнинг үрнатилиши:


- 1 — түсікүлі пандуслар;
- 2 — гадир-бұдур йұлакча;
- 3 — бинога кираверишида остоңасиз әшик;
- 4 — ёритиш, товуш, Брайл шрифти асосида маълумот улашишта асосланған хабар беріш мосламасининг әзіл әзуви;
- 5 — күзи ожиз ва күришида мұаммоси бор кишилар үчүн гадир-бұдур йұлакча. Умумий фойдаланышта мұлжаллантан зинапоя.

- Норматив ҳужжатларда белгиланған талабларнинг амалға оширилиши ҳисобига кишиларнинг турар — жой ҳамда жамоат ҳудудларында бўлишлари учун қулай шароитлар яратилади. Бунда асосий шартлардан бири бўлиб, мустаҳкам қопламали қурилмаларнинг юқори даражада ободонлаштирилиши, кўкаламзорлаштириш, сугориш, микроклимат яратиш, ёритиш мосламаларини үрнатиш ва шунга ўхшашлар ҳисобланади.

Ижтимоий бинонинг курилишида имконияти чекланган инсонларнинг элементар талабларини таъминлаш мисоллари (Шахрисабз шаҳридаги «Шахрисабз» меҳмонаси).



- Ногиронлиги бор инсонларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, аниқ шаҳарсозлик табиirlари (эшитиш, күриш, ҳаракат аъзоларининг чекланғанлығы юзасидан) ва камхарақатланувчи фуқаролар (вақтингчалик ишга лаेқатсиз кишилар, болалар, ёши катта ва кекса инсонлар, әмизикли болалари бор аёллар) кабиларга нисбатан, ШНҚ 2.07.02-07 «Инсонларнинг ҳәти ва фаолияти мұхитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камхарақатланувчи гурухларини ҳисобга олган ҳолда лойиха-лашы» га биноан қурилиш мөйерларига мувофиқ рационалды инобатта олинади. Күрсатиб ўтилган мөйерларда барча асосий ҳаракат йўллари параметр (ўлчам) лари инобатта олинади (хавфсиз йўлкалар, пиёдалар йўлкаси, ерости ўтиш жойлари, ташқи зинапоялар, пандуслар ўрнатилиши ва ҳ.з.) (4, 5, 6, 7, 8-расмлар).



4-расм. Ногиронлиги бор кишилар учун ташкиллаштирилган турар-жой биноси қурилмасининг лавҳаси:

- 1 — маҳсус светофор ўрнатилган пиёдалар ўтар жойи;
- 2 — баландликда нотекис ҳолатдаги жойларнинг рельефига аосланган түсиқди пандуслар;
- 3 — турли тоифадаги ногиронлиги бор кишилар учун маҳсус бошқарув тұгмали светофорлар;
- 4 — күзи ожиз ва күришида муаммоси бор кишилар учун ғадир-будур йўлакча. Үмумий фойдаланишига мұлжалланған йўлакча;
- 5 — ногиронлиги бор кишиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолдаги дам олиш зонасы.




5-расм. Ногиронлуги бор инсонлар учун пиёдалар ўтиши йўлида қайта ўчириб-ёқилувчи тутмагали светофорларни ўрнатиш:

- 1 — пиёдалар ўтиши йўли;
- 2 — махсус бошқарув пультили светофор;
- 3 — ногиронлуги бор инсонлар учун бошқарув пульти.



6-расм. Ногиронлуги бор инсонлар учун туарар-жой комплексида махсус шароитли дам олинг зонаси (худуди):

- 1 — кўзи ожиз ва қўришида муаммоси бор кишилар учун гадир-будур йўлакча;
- 2 — тўқнаш келадиган ногиронлик аравачаларининг ўтиши учун айланма "карман" йўли.




7-расм. Ташиллаштирилган турар-жой биносы қурылmasининг лавҳаси:

- 1 — баландликта нотекис ҳолдатдаги жойларнинг рельефига ассосянган түсиқли пандуслар;
- 2 — күзи ожиз ва қуришида мұаммоси бор кишилар учун гадир-бұдур йұлакча. Умумий фойдаланишта мүлжалланған йұлакча;
- 3 — дам-олиш зонасы.

8-расм. Күзи ожиз ва қуришида мұаммоси бор кишилар эхтиёжлари учун пиёдалар үтиш йұлакчасини ташкиллаштиришининг лавҳаси:

- 1 — пиёдалар үтиш йұли;
- 2 — күзи ожиз ва қуришида мұаммоси бор кишилар учун гадир-бұдур йұлакча. Умумий фойдаланишта мүлжалланған йұлакча.



2.2. Туар жой ҳамда жамоат бинолари, иншоотлар, коммунал хизматга йұналтирилган объектлар, мұжандислик, транспорт ва ишлаб чиқариш инфраструктурасында имконияттағы тәзміноти ШНҚ 2.07.02-07 ва меберлар талабларында мұвофиқ равищда, ногиронлик мұаммоларини қамраганы ҳолда, қурилиш жарайени иштирокчилари томонидан, мұтасадди ташкилотларға тегишли бўлиши, мулкучлик шакллари ҳамда объектларни мөлиялаштириш (бюджет, аралаш, хусусий ва бошқ.) ҳолатидан қатъий назар бажарилиб борилиши лозим.

- Ногиронлиги бор инсонлар фаолиятида имкониятта эгалик таъминоти юзасидан ошириладиган табдирлар қаторига — бино ҳамда иншоотлар, подъезд ва ҳудудларга қулай яқынлашиш, ногиронлиги бор кишилар ҳамда ахолининг камҳаракатланувчи гуруҳлари истиқомат қиласидаган ҳудудда жамоат транспортни ва бекатлар, автоулов тұхташ жойидан то турар — жой оралығидаги мөйөрій масофа, ҳаракатланиш йўли кенглиги, ташқи зинапоялар ва пандусларни ҳисобга олган ҳолда шароитни яратиш кабилар киради.
- Кириш зоналаридаги қопламалар юзаси қаттиқ, мустақам қилиниб, нам ва сирпанчиқ бўлмаслик ҳолати инобатга олинган ҳолатда, кўндаланг қиялиги 1–2% атрофига бўлиши керак.
- Бинолар ичидаги ҳаракатланиш юзасидан ҳам йўналиш параметрлари таъминоти, фавқулоддаги вазиятларда, ногиронлиги бор инсонларни бинодан эвакуация қилишининг мөйөрій вақтига амал қилиниши, лифт ва кўтаргич мосламаларининг курси-аравача, кўлтиқтаёқ ҳамда юриш мосламаларида ҳаракатланувчи ва ҳизо инсонлар учун мавжудлиги ҳисобга олинади.

2.3. Ногиронлиги бор инсонларнинг транспорт инфратузилмаси обьектларига нисбатан, муносабатларидаги эҳтиёжларни ҳисобга олиниши амалдаги шаҳарсозлик мөйөрлари ҳамда ШНҚ 2.07.02-07 га биноан тадбиқ этилиши лозим, бу ўз навбатида ўз ичига қўйидаги ҳолатларни қамрайди: ногиронлиги бор инсонларнинг транспорт воситаларидан фойдаланишларидаги эҳтиёжлар доирасида, автобус, трамвай, троллейбус, маршрут такси ва метро йўналишлари борасида мослаштирилган мосламаларнинг мавжудлиги (кўтарма пандуслар, кўтариб – тушириладиган полли автобуслар ва б.к.).

- Аввалам бор, транспорт ва пиёдалар, шу жумладан, ногиронлиги бор инсонларнинг, ҳаракат йўналишларida ҳудудий дифференциация ҳолатларини инобатга олиш лозим. Ҳаракатнинг параллель йўналишда тўсиқ ҳамда ҳимоя чизиқлари ҳисобга олиниши, кесма йўналишларда эса бошқарилувчи ўтиш мосламалари жойлаштирилиши лозим.
- Ҳаракат йўли кенглиги, таянч мосламали ҳамда курси аравачадаги ногиронларнинг ҳаракатланишларини ҳисобга олган ҳолда – 1,6–2 м дан кам бўлмаслиги керак.
- Интенсив ҳаракатда – 2,4–3,2 м оралығида. Транспорт кўчаларида пиёдалар ўтиш чизигининг кенглиги 3,2 м доирасида бўлиши лозим. Йўллар қиялиги, зинапоялар, пандуслар, бекатлар ва автомобиль тұхташ жойлаштининг параметр (ўлчам)лари аниқ кўрсатиб ўтилади.
- Пандуснинг кенглиги 1,0 м дан кам бўлмаслиги керак (истисно ҳолатларда 0,9 м га йўл кўйилади).
- Пандуснинг горизонтал қисмидаги тўғри ҳаракатланиш йўллари ёки бурилишлардаги майдончалар сатҳи 1,5 м дан кам бўлмаслиги керак.
- Пандуслар ўрнатилишидаги қийинчиликлар (мөйөрій қияликлар бар-по этилишида) юзага келганида, цокол қаватининг нисбатан баланд бўлиши инобатга олинган ҳолда, курси-аравачадаги ногиронлар учун маҳсус кўтарувчи мосламалардан фойдаланиш назарда тутилиши мумкин.
- Жамоат транспорти бекатлари лойиҳалаштирилиши жараённанда курси-аравачаларнинг тротуар ҳамда кўчанинг қатнов тарафидан кириш учун йўлкалар инобатга олиниши керак.


- Транспорт бекати майдончаси баландлігі күча сатхининг қатнов қисмидан, белгіланған тартиб асосида: 0,20 м дан ошмаслиги керак.
- Ҳаракат йүллари барча одамлар учун хавфсиз бўлиши керак, шу жумладан түрли тоифа ногиронлiği бор инсонлар учун, айниқса кўзи ожиз одамлар, ҳасса ёрдамида ҳамда ногиронларнинг курси-аравасида юрадиганлари учун ҳам.
- Ҳамма тўхташ жойлари ногирон курси-аравачаси бемалол кирадиган бўлиши керак. Автобус, троллейбус, трамвай ва бошқа жамоат транспорларга қулай чиқиш шароитлари ҳар бир бекатда кўзда тутилиши лозим (9-расм).



9-расм. Курси-аравачада ҳаракатланадиган кишиларнинг перрон ҳамда салон поли баландлігидаги ғовларни ёнгиг ўтишлари учун пандус мосламаси:


- 1 — курси-аравачада ҳаракатланадиган кишилар учун йўнга пандус;
- 2 — курси-аравачада ҳаракатланадиган ногиронлiği бор киши.

- Транспорт қатновидаги кўчаларда пиёдалар учун ўтиш йўлакчалари, ҳаракатланишида чекланиши бор, шу жумладан курси-аравачаларда ҳамда кўзи ожизлар учун хавфсиз бўлиши лозим. Ҳаракатни тартибга солувчи сигналли воситалар яхши фарқлаш учун қулай жойлаштирилган бўлиб, кўришида муаммоси бор ногиронлар учун товушли сигналлар, пиёдалар ўтиш йўлакчасидан ҳаракатланиш чоғида ҳаракатни вақтинчалик тўхтаби туриси учун тутгmalар билан жиҳозланиши лозим (10, 11, 12-расмлар).



10-расм. Таяңч-харакатларни аныктауда нүк-
сонаға эга кишилар учун метро станцияси ҳамда
ер ости ўтиш жойларида зинапоя билан парал-
лель равишда пандусли зинапояларнинг кириш
комплекси варианти:

- 1 — метро станцияси ҳамда ер ости ўтиш жой-
лари кираверишида пандус;
- 2 — метро станцияси ҳамда ер ости ўтиш жой-
лари кираверишида стандарт зинапоя.



11-расм. Метро станцияси ҳамда ер ости
ўтиш жойлари кираверишида мураккаб
пандус ўрнатилишининг лавҳаси:

- 1 — кўпюгонали пандус, ногиронлиги
бор кишилар эҳтиёжидаги меъёрий юза
қиялигини таъминлайди;
- 2 — умумий фойдаланиш зинапояси;
- 3 — ногиронлиги бор кишилар учун
курслаткич.



12-расм. Ногиронлиги бор инсонлар учун метрополитенде кираверишида ўриатылған лифт фрагменті:
1 — лифттә кириш;
2 — ногиронлиги бор инсонлар өхтиёжларини ҳисобға олған ҳолда лифтнинг башқарув панели.

- Автовокзал ва темир йўл вокзалларининг пассажир платформаси (перрон)га олиб чиқувчи тоннелларида пандусларнинг кенглиги 1,5 м бўлиши назарда тутилиши керак, тутқичларнинг баландлиги 0,8 – 0,9 м бўлиши керак. Пандуснинг юзаси қаттиқ ва ғадир-будур(сирпанишнинг олдини олевчи) бўлиши керак. Пандуснинг қиялиги 1:10 (*13, 14-расмлар*).




13-расм. Ногиронлиги бор кишилар учун вокзал (аэропорт, автовокзал ва б.ларга.) мосламали кириш зонаси:

- 1 — курси-аравачада ҳаракатланадиган кишилар учун пандус;
- 2 — остонасиз технологияга асосланган, иккى томонга суриласадиган эшик;
- 3 — умумий фойдаланиш зинапояси;

- Ер ости йўллари хавфсиз бўлиши лозим, айниқса кўришида муаммоси бор ва курси-аравачасида юрадиган ногирон одамлар учун.
- Аэропорт, автовокзал, автостанция, темир йўл ва метро станцияларида ҳаракат қилиш ҳам қийинчилик солмаслиги керак. Шу боис, транспорт объектлари пандусларининг қурай жойлашганилиги, самолёт, поезд, метро вагонларига кириш йўлларининг қурайлиги назарда тутилиши шарт. Ногиронлиги бор кишиларнинг метродан фойдаланиш имкониятига эгалиги борасида лифтли кўтаргич ҳамда бошқа кўтарма мосламаларининг бўлиши назарда тутилиши лозим.

14-расм. Ногиронлиги бор кишилар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳодда авто-улов тўхташ жойларини ташкиллаштириши.



- Шаҳарсозлик меъерлари оуичча, ногиронлиги бор инсонлар турар жоида автомашиналар сақлаш жойлари, гаражлар ва бошқа очик тўхташ жойлари, шунингдек, автомашиналарнинг қисқа вақт турар жойлари ажратилиши керак (турар жойларида машина жойларининг 25–30 % ногиронлиги бор инсонларга берилиши лозим).
- Ногиронлиги бор кишилар ишлайдиган корхоналар ва ташкилотлардаги автомобиль тўхташ жойларида ногиронлиги бор инсонлар автомашиналари учун жаҳон бўйлаб қабул қилинган маҳсус информацион белгилари билан кўрсатилган жойлар ажратилиши лозим. Жойларнинг сони маҳаллий талабларга кўра (ногиронлиги бор ишчилар сонига кўра 5–10 % ёки 15–20 % гача) кўрсатилади.
- Савдо марказлари, маданий ва спорт объектлари, илмий тадқиқот ва олий ўкув юрглари олдидағи автомобиль тўхташ жойларида ногиронлиги бор инсонлар учун 5–10 % машина жойлари ажратилиди (кўрсаткичлар маҳаллий қарорларга кўра ўзгартирилиши мумкин).
- Замонавий техник восита, сигнализация ва маълумот тизимларининг ногиронлиги бор инсонлар қандай қабул қилишларига, айниқса эшитишида ҳамда кўришида муаммоси бор кишилар учун ишлаб чиқарилишига аҳамият бериш керак.
- Маълумот техник воситалари тизими ногиронлиги бор инсонларни атроф муҳитда йўл топишига кўмаклашади, ҳамда йўл ҳаракатида хавфсизлик ва қурайликни таъминлайди, у ёки бу хизматлардан фойдаланиш, объектлар, ҳужжатлар, материалларнинг таърифи ҳақида маълумот олиш имкониятини яратади.
- Амалиётда текстофон, яъни имо-ишора орқали ногиронлиги бор кишилар билан суҳбат олиб бориш учун мўлжалланган аппаратлардан кенг фойдаланиш керак.
- Замонавий тифлотехник воситалари кўришида муаммоси бор одамларга маълумотни яхши қабул қилишида ёрдам беради. Буларга диктофонлар, босма учун Брайл шрифтли клавиатурулар ва бошқа ускуналар киради.

3

ТУРАР — ЖОЙ ТАЪМИНОТИ (НОГИРОНЛАРНИНГ ЭҲТИЁЖЛАРИ ВА МАХСУС ШАРОИТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА)

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддаси

«...Ногиронлар ёки ўз таркибида ногирон бор оиласлар эгаллаган туар жойлар, шунингдек ногиронлар учун қурилаётган уй-жойлар ногиронни реабилитация қилишининг якка тартибдаги дастурига мувофиқ маҳсус во-ситалар ва мосламалар билан жиҳозланиши керак. Бундай туар жойларни жиҳозлаш уй-жой фонди ўз тасарруфилда бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бу тадбирларни молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Мазкур обьектларни уларга ногиронларниң тўқсингликсиз кириши учун мослаштиришнинг имкони бўлмаган ҳолларда, тегишли ташкилотлар ногиронларниң эҳтиёжларини қаноатлантиришни таъминловчи зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак...»

3.1. Ногиронлиги бор инсонларни туар — жой билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва Туар жой кодексига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

- Мустақил яшаётган, ногиронлиги бор инсонлар ва ногирони бор оиласларга ижтимоий туар жой, хонадон ва уй қурилиши белгиланган.
- Туар жой ва умумий майдон билан таъминланиш туар — жой кодексига мувофиқ равишида белгиланади. Ҳар хил тоифадаги ногиронлиги бор инсонлар ҳисобга олиниб, шунга биноан мослаштирилган туар — жой майдонлари кўрсаткичи қабул қилинади. Курси — аравачадаги ногиронлар учун $23\text{ m}^2/\text{киши}$ туар — жой майдони қабул қилинган (ногиронлар тоифасига кирмайдиган фуқаролар учун умумий майдон кўрсаткичидан ижтимоий туар жой, санитария-гигиена меъёрига кўра $16\text{ m}^2/\text{киши}$ белгиланган).
- Хонадонли уйлар, амалдаги аҳолини имтиёзли жойлаштириш меъёrlари асосида, лойиҳалаштирилиб, ҳокимиётларнинг топшириқлари асосида техник вазифалар ишлаб чиқарилади. Бу техник вазифалар ногиронлиги бор инсонлар ва уларнинг оиласларини туар жойлари билан таъминланиш лойиҳаларига киритилади.

- Хонадон таркиби ва майдонларининг кўрсаткичлари ШНҚ 2.08.01-05 «Турар — жой бинолари»да белгиланган. Белгиланган меъёрларда ногиронлиги бор кишиларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинган (кўришида муаммоси бор ва курси — аравачасида ҳаракатланадиган ногиронлиги бор инсонларнинг турмуш тарзи ва ҳаракатланишига хос жойлар). Бу меъёрлар хоналарнинг, ошхоналарнинг, коридорларнинг, йўлакларнинг, ёзги хоналарнинг (айвонларнинг) санитар тизимлар майдонлари ва ўлчамлари асосида меъёrlаштирилган (15, 16, 17-расмлар).
- Ногиронлиги бор инсонлар турар жойлари кириш учун пандуслар билан таъмирланган бўлиши керак. Бундан ташқари ногиронлар турар жойлари куляй кириш ҳудудларига, ушлагичли даҳниzlарга эга бўлиши керак (18, 19-расмлар).
- Ногиронлиги бор инсонлар ва қарияларни жойлаштиришга мўлжалланган ижтимоий йўналтирилган хонадонларидан иборат турар жойларни яшаш мажмуалари борасида шакллантириш мътиқул. Бу яшаш мажмуалари жамоага хизмат кўрсатадиган жойлардан иборат бўлиши лозим (маишӣ, соёломлаштириш ва турмуш тарзига мўлжалланган). Шунингдек, ногиронлар меҳнати учун уй устахоналари ёки жамоавий меҳнат шароити яратилиб берилиши назарда тутилади.



15-расм. Курси-аравачада ҳаракатланадиган кинни учун мослаштирилган ётоқхонаси.




16-расм. Ногиронлиги бор кишилар учун туар-жой хонадоңыда ошхона жойлашувинынг фрагменти (лавхаси).




17-расм. Курси-аравачада ҳаракатланадиган ногиронлиги бор киши учун туар-жой биноси хонадоңыда санитар хонасарынынг жойлашуви:

- 1 — таянч-ҳаракатланиш аппаратыда нүқсонга эга кишиларни вертикал ҳолатда ушлаб туриш учун мослама;
- 2 — таянч-ҳаракатланиш аппаратыда нүқсонга эга кишилар қулай фойдаланишлари учун душнинг оптимал баландликда ўрнатилиши;
- 3 — таянч-ҳаракатланиш аппаратыда нүқсонга эга кишилар ваннадан фойдаланишлари учун тутқычларнинг ўрнатилиши;
- 4 — таянч-ҳаракатланиш аппаратыда нүқсонга эга кишилар унитаздан фойдаланишлари учун тутқычларнинг ўрнатилиши;
- 5 — таянч-ҳаракатланиш аппаратыда нүқсонга эга кишилар ювингичли раковинадан имконият доирасида фойдаланишлари учун мувофиқ баландликда ўрнатилиши;
- 6 — таянч-ҳаракатланиш аппаратыда нүқсонга эга кишилар фойдаланишлари учун имконият доирасида кўзгунинг мувофиқ баландликда ўрнатилиши.



18-расм. Бинонинг кириш зonasида юк-йоловчи лифтининг ташқи кираверини жойлашуви:

- 1 — курси-аравачада ҳаракатланадиган кишилар учун түсиқли пандус;
- 2 — умумий фойдаланиш зинапояси;
- 3 — юк-йоловчи лифти;
- 4 — ёритиш, товушли, Брайл шрифтни асосида маълумот улашишга асосланган хабар бериш мосламасининг эълон ёзуви;
- 5 — умумий фойдаланишга мўлжалланган кириш эшиги.



19-расм. Лифт кираверинининг ташкилланитирилиши:

- 1 — ўзаромулоқот мосламаси (домофон);
- 2 — дагал йўлакча;
- 3 — бинога кираверининг остонасиз эшиги.

3.2. Ёлгиз ногирон болалар ва катта ёшли ногиронлар, қариялар, доимий боқишига муҳтож бўлганлар учун интернат-уйлари мўлжалланган. Уларнинг ичидаги яшаш хоналари, тиббий ёрдам хоналари, умумий маданий-маишӣ хизмат хоналари, маъмурий ва хўжалик хоналари жойлаштирилиши кўзда тутилиши лозим. Мактаб таълим дастури билан ўқиётган болалар учун интернат-уйлар тўртгинчи (4) бўлимда кўриб чиқилган.

- Бинолар ва уларнинг майдонларидан ижтимоий-иқтисодий самарадор фойдаланиш талабаларини ҳисобга олиб, маданий-маишӣ ва тиббий соғломлаштириш хоналари, ривожланган мажмуалар қаторига киритиш зарурлиги муносабати билан интернат-уйларининг рационал сиғимлиги 100 дан 300 гача белгиланган жой бўлиши лозим.
- Замонавий тўлиқ жиҳозланган, мажмуа талаблари нуқтаи назаридан: турмуш тарзи ва ногиронлиги борлигига кўра, халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий хизмат кўrsatiшга жавоб берадиган интернат-уйлар курилиши лозим.
- Катта ёшли кексалар учун интернат-уйи биноларининг ҳажми ва режалаштириш хulosалари юзасидан инобатга олинадиган талаблар, хоналарнинг таркиби ва параметрлари қўшиб ҳисобланганда, ШНК 2.08.01-05 «Турар-жой бинолари»да белгиланган.

4

МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ХАМДА ЖАМОАТ ОБЪЕКТЛАРИДАН ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг

10-моддаси



«Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ногиронларнинг (шу жумладан ўринидиلى аравача ҳамда етакловчичитлардан фойдаланувчи ногиронларнинг) ижтимоий инфратузилма обьектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соглиқни сақлаш ва спорт обьектларига, маланий-томушагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортидан, шаҳарларро автомобиль транспортидан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар транспортигининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиши шарт...»

4.1. Барча жамоат фойдаланиш бинолари ва иншоотлари, шу жумладан маъмур биноларни тозишидаги, республика, вилоят ва маҳаллий миқёсдаги, банклар, молиявий тузилмалар, прокуратуралар, судлар, милиция, паспорт бўлимлари, маориф йўналишидаги ташкилотлар, маданий-оқартирув ва савдо-майший хизмат бинолари, поликлиникалар, даволаниш ва соғломлаштириш, бадантарбия ва спорт йўналишидаги ва ҳ.з.лар, барча тоифадаги ногиронлиги бор кишилар (эшитиши, кўриши, таянч ҳаракатланиш функциясида муаммоси бор одамлар) фойдаланишлари учун имкониятта эгалик даражасида бўлиши лозим. Жамоат биноларининг барча турдаги нусхалари амалдаги лойиҳалаш меъёлари (ШНҚ 2.07.02. га биноан) га мувофиқ равишда:

- тегишли кўрсаткичларга ҳамда товушли ахборот берувчи мосламалар, кириш йўлаклари курси-аравачалар ҳаракати учун нишаб пандуслар, лифтлар ёки бошқа кўтаргич қурилмалари билан таъминланиши лозим (20, 21, 22-расмлар);
- шунингдек бино ичидаги ҳаракатланишнинг меъёрий ўлчовлари, фавқулоддаги (ёнгин, буруқсаб туташ, зилзила) ҳолатларда одамларни бинолардан эвакуация қилиш (бехатар жойларга кўчириши) учун меъёрий вақт чегаралари белгиланиб, санитария-майший иншоотларнинг ўлчовлари таблар даражасида бўлишига риоя килинади. (23, 24-расмлар).


20-расм. Тағиғ-харакатларниң аппаратида иуқсонаға ега кишилар үчүн йигма платформалы түсікүл күтәргіч түрі:

- 1 — күтәргічининг йигма платформасы;
- 2 — пульттың бошқарувға мослаштырылған түсікүл күтәргіч механизми;
- 3 — умумий фойдаланыш зинапоясы;
- 4 — останасыз кириш эшигі;
- 5 — ёритиш лампасы;
- 6 — күтәргічининг дистанцион бошқарулы пульт механизми.



21-расм. Ногиронлуги бор киши ҳаракатларында баландлик гөвлариниң сияб үтиши учун монорельс түрідагы күтәргіч:

- 1 — электр күтәргіч;
- 2 — умумий фойдаланыш зинапоясы;
- 3 — баландлик гөвлари;
- 4 — монорельс.




22-расм. Ногиронлуги бор кинни эхтиёжларини инобатта олувчи лифт лавҳаси (лифт деворлари шартли күрсатылмаган):

1 — ногиронлуги бор киши эхтиёжларига мослаштирилган бошқарувли лифт панели;
2 — останасиз лифтте киравериш;
3 — таянч-харакатланиш аппаратыда нұқсонаға зәгекишилар учун түткічләр.

- Барча амбулатория-поликлиника (шифохона) ва даволаш-профилактика бинолари ногиронликка зәгекишилар учун қаватларга күтарилиш имконини берувчи шифохона лифтлари билан жиҳозланиши керак.

4.2. Ўкув хоналари, лабораториялар, маъруза заллари, томоша ва спорт-томуш залларида, кафелар ҳамда ресторандарда кулай ва тез эвакуация (бехатар жойларга күчириш)ни ҳисобга олган ҳолда курси-аравачалардаги ногиронлуги бор инсонларни жойлаштириш учун жойлар мүлжаллаб қўйилиши лозим.

- Барча таълим, маданий-томуш мұассасалари ногиронлуги бор инсонларнинг эшлишилари орқали ахборот қабул қила олишлари учун зарур бўлган тегишили техник асбоб-ускуналарга зәгекишилар лозим.
- Дўконлар, бозорлар, майший хизмат кўрсатиш корхона бинолари учун биноолди кириш йўллари (пандус) дан ташқари, ногиронлуги бор кишиларнинг курси-аравачаларда савдо заллари, буюртма бериш ва қабул қилиш жойлари, сартарошхона салонларидағи йўлаклар бўйлаб ҳаракатланиши учун имкониятлар яратилиши зарур. Майший-савдо корхоналарининг жиҳозлари товар ва маҳсулотлардан, ҳисоб-китоб кассаларидан эркин тарзда фойдаланиш имконини бериши даркор.



23-расм. 90° бурилган коридор жойлашувининг лавҳаси, бунда курси — аравачада ҳаракатланувчи ногиронлиги бор кишин эктиёжлари инобатта олинади:
 1 — остонасиз хонага кириш энгизи;
 2 — бинодаги коридор көнглигиге 2,4 м дан кам бўлмаслиги керак;
 3 — кўзи ожиз ва кўришида муаммоси бор кишилар ҳаракатланишилари учун коридор деворларидаги тутқичлар.

- Ташриф буюрувчиларга мўлжалланиб тегишли таблолар, кўрсаткичлар, овозли белгилар қўлланилиши лозим (25-расм).


4.3. Барча маъмурий, илмий-лойиҳавий, молиявий, солиқ ва банк ташкилотлари ишга жойлашиш, ходимлар иш ўринларига талабгор бўлган ҳолатларда, курси-аравачалардаги ногиронлиги бор инсонлар фойдаланишлари учун имконият даражасида бўлиши лозим. ШНК 2.07.02-07 га мувофиқ бинолар, асосий вазифадаги иншоотлар ва санитария-маший шўйбалар ҳажмий-режалаштириш қарорларига оид равишда, барча талабларга нисбатан, риоя қилиниши лозим.

- Жамоат биноларининг курси-аравачадаги ногиронларга хизмат кўрсатиш маҳсус зоналари қондага кўра, мазкур бино умумий сигимининг 5% ёки ташриф буюрувчилар умумий сонининг 5% ҳисобида мўлжалланиши керак (лойиҳалашга берилган топшириқда кўрсаткичлар аниқ берилади).

24-расм. Курси-аравачада ҳаракатланадиган кишилар учун томошабинлар залида ўринлар жойлашуви:

1 — курси-аравачада ҳаракатланадиган кишининг фавқулоддаги ҳолатда тез эвакуациясини ҳисобга олган ҳолдаги ўрин жойлашуви;

2 — курси-аравачада ҳаракатланадиган кишининг фавқулоддаги ҳолатда 2-қаватдан тез эвакуациясини ҳисобга олган ҳолдаги ўрин жойлашуви.



- Бино ёки иншоотнинг ҳар бир қаватида ногиронлар учун қулай жойда хизмат кўрсатиш ёки хоналарга қандай ўтиш ҳақида маълумотлар зonasи, шунингдек, 2–3 кишилик дам олиш зonasи ва бир ёки икки курси-аравача учун туриш жойи назарда тутилиши керак.
- Рўйхатга олиш муассасалари, банклар, меҳмонхоналар, чипталар сочувчи ва хизматлар тўловини амалга оширувчи кассалар, маъмурий муассасалари, савдо-маиший корхоналарида барьерлар, пештахталар, столлар ва бошқа хизмат кўрсатувчи мосламалар курси-аравачадаги ташриф буюрувчилар учун полдан 0,8 м дан ортиқ бўлмаган баландликда бўлиши керак.



25-расм. Ногиронлиги бор кишилар өхтиёжларига мослаштирилган супермаркет залы:

- 1 — ногиронлик курси-аравачаси эркін бурилиши учун пештахта ҳамда сотувчи бүліми оралиғида бүш жой (яланглик) жойлашуви;
- 2 — сотувға күйилған товарлар ва ўз-ўзига хизмат күрсатыш шаҳобчалари оралиғидати жой масофасининг 1,0 мдан күтп бүлмаслиғи;
- 3 — касса олди жой оралиғи, курси-аравачасида эркін ҳаракатланишлари учун.

- Спорт иншоотлари, спорт ва тренажёр заллари, бассейнларда ногиронларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олган машғулотлар учун шароитлар назарда тутилиши керак.

4.4. Ногиронлиги бор инсонлар ва қарияларга хизмат кўрсатиш ижтимоий ҳудудий марказларида, бино ичида фойдаланиш имкониятига эгаликни яратиш талаблари билан бир қаторда майший хизмат кўрсатиш, даволаш, соғломлаштириш, бўш вақтни ташкиллаштириш, шунингдек йўлланмалар бўйича вақтинча (ўрнатилган муддатда) яшаш учун жойлар олдиндан тайёрлаб қўйилиши лозим.

- Ногиронлиги бор инсонларни реабилитация қилиш муассасаларида маҳсус жиҳозлар билан, жумладан, тутқиҷлар ва бошқа мосламалар билан ечиниб-кийиниш хоналари, ҳаложой ва ювиниш хоналари ҳамда жисмоний-спорт ва тренажер залларида курси-аравачалардаги ногиронлар учун чўмилиш ҳавзалари кўтаргичли мосламалар билан таъминланиши лозим.

4.5. Санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва меҳмонхоналар, мотелларда эшитиш, кўриш қобилиятида муаммоларга эга ҳамда курси-аравачаларда ҳаракатланувчи инсонларни жойлаштириш учун маҳсус хоналар олдиндан тайёрлаб қўйилиши лозим. Туар жой биноларининг ўрнашуви фавқулодда ҳолатларда бинодан тезкор эвакуация қилиш талабларини кўзда тутган ҳолда амалга оширилиши керак, шунингдек барча яшаш хоналари ушбу муассасасининг қолган бинолари билан, шу жумладан, ошхона заллари, ресторандар, томоша заллари, бўш вақтда кўнгил очиш масканлари, хизмат кўрсатиш салонлари ва ҳ.зо қулай алоқа тизимиға эга бўлиши лозим.

- Ногиронлиги бор инсонлар яшаш хоналари ШНҚ 2.07.02-07га бинован, техник жиҳозлар, сигнализация (хизматчи ходимларни товушли, матнли ва ҳ.зо чақириш) мосламалари билан таъминлашни кўзда тутувчи талабларига жавоб бериши лозим.

5


ТАЪЛИМ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛЮРИ БИНОЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддаси


«Ногиронларнинг умумий ўрга, ўрга маҳсус, касб-хунар ва олий таълими барча таълим муассасаларида, зарур бўлган ҳолларда эса ихтиосослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Стационар даволаши-профилактика ёки реабилитация қилиш муассасаларида даволанаётган ногирон болалар учун ўқув машгулотлари ташкил этилади»

5.1. Ўқув юртлари биноларининг ҳажмий — лойиҳалаш режалари, бинолар майдонлари ва таркибига оид талаблар ШНҚ 2.08.02-07 ва ШНҚ 2.08.05-08 га мувофиқ равишда санитария-гигиена меъёrlари ва лойиҳалашнинг умуммажбурий қурилиш тартиб — қоидаларини эътиборга олган ҳолда белгиланади (*расм-26*).



- Кўрсатилган маҳсус муассасалар, ногиронлиги бор болалар гуруҳлари учун, мўлжалланган майдонлар ва тайинланган ёрдамчи биноларда янада қулайроқ жойлашишларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади. Барча мактабгача таълим муасссалари учун умумий бинолардан ташқари, таркибидан машгулотлар ўтказиш (логопедик ва бошқалар) учун реабилитация бинолари, шифокорлар маҳсус хоналари, даволаш-согломлаштириш бинолари (физиотерапевтик, турли фавқулоддаги ҳолатлар) кўзда тутилади.
- Ихтисослаштирилган болалар мактабгача таълим муассасалари маъмурӣ ҳудуд идоралари туркумига мансубдир, имкониятга эгалик радиуси меърлаштирилмаган.
- Майдонлар, иншоотларнинг меъморчиллик ҳусусияти, бинолар таркибига ҳамда техник жиҳозланишига нисбатан (жорий қурилиш меъёрлари ва ҳалқаро меъморчиллик — қурилиш тажрибасига асосан) бўлган барча замонавий талабларни эътиборга олган ҳолда, ушбу турдаги сигими каталаштирилган 6—10 гуруҳларга мўлжалланган болалар боғчаларини қуриш мақсадга мувофиқдир.
- Муассасалар ҳажми бинолар ва ҳудудларнинг (барча зарурий иншоотлар ва жиҳозларнинг таркибий қисмларини жойлаштириш орқали) очиқ майдонларидан самарали фойдаланиш талаблари билан белгиланади (27-расм).




27-расм. Инклозив таълимга мўлжалланган ўкув муассасасининг кириш комплекси:

- 1 — курси-аравачада ҳаракатланадиган ҳамда таяни-харакатланиш аппаратида нуқсонга эга ўкувчилар учун тўсиқли пандус мосламалари;
- 2 — умумий фойдаланиш зинапояси;
- 3 — остонасиз технологияга асосланган, икки томонга суриласдиган эшик.


5.2. Жисмонан ва ақлан заифлик муаммоларига эга бўлган болалар таълими таъминланишида, маҳсус мактаб-интернатлари тайинланиши, шунга биноан куйидаги асосий тиббий муаммоларга эга бўлган болалар таълим олиши кўзда тутилади:

- кўриш салоҳияти паст ва кўришда муаммоси бўлган болалар учун;
 - эшитишида муаммога эга ва кар-соқовлик муаммоси борлар;
 - таянч-ҳаракат тизимида муаммога эга бўлганлар (БЦП асоратлари на-тижасида);
 - ақлан заифлик муаммоси бўлган болалар.
- Амал қилинаётган санитар-гигиеник меъёrlарга кўра, синф ўқувчи-лари сони 12 кишидан ошмаслиги керак, қўшимча гурухларда эса — 7 киши.
 - Маҳсус мактаб-интернатларини лойиҳалаштириш умумий бино ва ин-шоотларни қуриш қоидалари ва маҳсус нормативлар ҳамда ҳужжатлар ШНҚ 2.08.05-08 асосида қурилиши керак. Мактаб-интернатлари тарки-бида яшаш жойи, даволаш ва реабилитация қилиш ҳолатлари инобатта олиниши лозим. Мазкур интернатлар, оиласи бор болалар учун мўлжал-ланганилиги боис, уларни реабилитация қилиш мобайнида фаол иштирок этиши кўзда тутилади. Дам олиш кунлари ва таътил пайтлари ота — она-лар болаларини ўйларига олиб кетадилар.
 - Мактаб-интернатлари таркибидаги болаларнинг ёшига қараб ёш, ўрта ва катта ёшдаги болалар учун яшаш ва ўқишлирида, болаларнинг ноги-рон эканликларини ҳисобга олган ҳолда шарт — шароитлар яратилиб бе-рилиши керак. Эшитишида ва кўришида муаммога эга ва кар-соқовлик муаммоси бор ҳамда таянч-ҳаракат тизимида муаммога эга бўлган бола-лар учун давлат таълим стандартлари даражасида бошлангичдан то олий ўкув юртларига киргунинга қадар ўкув дастури тайёрланади (жисмоний имкониятларини инобатта олган ҳолда).
 - Ақлан заифлик муаммоси бўлган болалар учун бошлангич таълим ёки 9 йиллик мактаб таълими маҳсус тузиб чиқилади. Синфларни 16 та ўкув-чигача тўлдириш мумкин.
 - Маҳсус мактаб-интернатлари бошқа мактаблар сингари ҳар бир фан-дан маҳсус синф хонасига эга таркибида бўлиб, жумладан кимё, физи-ка, биология каби мактабнинг асосий фанлари учун ҳам синф хоналари ажратилади. Кўрсатилган ўкув юртлари логопедик билимлар, меҳнат, маданият, рассомчилик ва меъморчилик билан шугулланиш учун синф-ларга эга бўлишлари керак. Бундан ташқари тикувчилик, қўшиқчилик ва санъат хоналари бўлиши ҳам назарда тутилади; спорт зали, мажлис-лар зали, ошхона ва профессионал ўрганиш учун амалий устахоналар, даволаш ва соғломлаштиришга мўлжалланган реабилитацион хоналарга эга бўлиш ҳам кўзда тутилади. Мактаб-интернат ҳудудида рекреацион майдончалар ва қурилмалар тўплами кўзда тутилиб, очиқ ҳаводаги ма-шгулотларни олиб бориш учун маконлар, жисмоний ва спорт комплекси-сими яратиш кабилар назарда тутилган. Лойиҳалаштириш вазифаси юза-сидан мактаб-интернат ҳудудида сув ҳавзаси, ўқ-отиш майдончаси (тир), картинг (саёз автоулов бошқаруви)лар учун автодром ва бошқа қўшим-ча хизмат турларини барпо этишни ҳам ўз ичига олиши мумкин (*расм-28, 29*).



28-расм. Инклюзив таълимга ихтиослаштирилган ўкув муассасасининг спорт майдончаси:

- 1 — волейбол-баскетбол майдончаси;
- 2 — таянч-ҳаракатланиш аппаратида муаммоси бор кишилар учун мослаштирилган сузиш бассейни;
- 3 — ютуриц йўлакчаси;
- 4 — минифутбол ўйнашга мўлжалланган майдон.



29-расм. Таянч-ҳаракатланиш аппаратида муаммоси бор кишилар бассейнга тушишлари учун мослама варианти:

- 1 — кўришида муаммоси бор киши учун зинапоя;
- 2 — таянч-ҳаракатланиш аппаратида муаммоси бор кишилар учун зинапоя.

- Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари вилоят йўналишидаги муассасалар таркибига киритилиб, уларнинг фаолият турлари меъёрийлаштирилмаган ҳолда, имкониятга эгалик ҳолати транспортни қўллаш орқали эътиборга олинади.
- Ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида болаларни согломлаштириш ва реабилитациялаш (яашаш шароитига мослаштириш), мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳамда муассасалар, саноат объектларида индивидуал фаолият олиб боришлари учун, иш билан бандлик юзасидан тадбирларни олиб бориш мақсадида кўпроқ самарали метод усулларидан фойдаланиш қерак.
- Оиласи йўқ болалар доимий уй -интернатларида истиқомат қилиб, уларнинг таълими ва саломатлигини муҳофаза қилиш, мустақил ҳаётга қадам қўйишлари аҳамият касб этади. Уй — интернатлари, оиласи йўқ болалар учун, республика даражаси миқёсидаги муассасадир. Уй — интернатлари маҳсус техник вазифалар асосида лойиҳалаштирилиб, мактаб-интернатларидан тўлароқ, ривожлантирилган таркиби билан кескин фарқ қиласди.

5.3. Барча ўқув муассасалари бинолари — мактаблар, академик лицейлар, колледж ва олий ўқув юртлари саломатлигига айрим жисмоний ўзгаришларга эга бўлган ўсмирлар, ёшлар учун имконият даражасида бўлиши, лекин шу билан бирга, интеллектуал салоҳиятини ўзлаштира олишларини ҳисобга олган ҳолда ушбу муассасаларга қабул қилинишлари лозим.

- Таълим муассасаларининг ҳажмий-режалаштириш ечимлари бино қаватларида ҳаракатланиши юзасидан имкониятга эгалик нуқтаи назаридан санитар-гигиена, меъморий-курилиш талабларига (лифт ва қўттаргичли курилмалардан фойдаланиш асосида), курси — аравачаларда ҳаракатлашишни ҳисобга олган ҳолда, ҳаракат йўллари параметрлари билан мувофиқ бўлиши қерак.
- Барча асосий муассасалар — ўқув кабинетлари, лаборатория, кутубхона ва маъруза хоналари ногиронлиги бор инсонлар учун маълумотларни ўзлаштиришлари ҳамда тарғиб қила олишлари мақсадида техник воситалар билан таъминланган бўлиши лозим (уларнинг қабул қилиш имкониятларини ҳисобга олинишига кўра).
- Ногиронлиги бор ёш болалар учун, маҳсус йўналтирилган колледжлар ётоқхонаси билан кўзда тутилади. Лойиҳалаштирилётган бундай муассасалар Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги топшириғига асосан амалга оширилади.

6

НОГИРОНЛАРНИНГ ИШ ЖОЙЛАРИДА ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳамоя қилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг

23-моддаси

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳамоя қилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг

24-моддаси

«Ташкилотларда банд бўлган ногиронларга ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ зарур меҳнат шароитлари яратилади.

«Жамоа ёки якка тартибдаги меҳнат шартномасида белгиланадиган меҳнат шароитлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақти режими, йиллик ҳамда кўшимча таътилларнинг муддати норматив-хукуқий ҳужжатларда назарда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронларнинг аҳволини ёмонлаштираслиги ёки хукуқларини чекламаслиги керак».

«Ногиронлиги туфайли ногирон билан меҳнат шартномаси тўзишни ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришни рад этишга, у билан тўзилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, ногиронни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди, тиббий-ижтимоий экспертизанинг холосасига кўра ногироннинг соглиги каеб вазифаларини бажаришга монелик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа шахсларнинг соглиги ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно. Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин илгариги ишига ёки шунга тенг ишга жойлашиш хукуқига эга»

6.1. Амалдаги қонунчиликка биноан, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, ташкилот ва корхоналар 3% дан кам бўлмаган ишли ўринларини, жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда, ногиронлиги бор инсонларга ажратишлари шарт.

6.2. Маъмурий бошқарув идораларининг турли даражадаги бинолари (республика, вилоят, туман, маҳаллий каби), банк, молия, солиқ тизимлари, турли тижорат ташкилотларининг биноларида ногиронлиги бор инсонларнинг кириб-чиқиш жойлари амалдаги қурилиш меъёрларига мувофиқ равишда таъминланиши керак (шу жумладан пандуслар, лифтлар, кўтаргичлар).

- Ногироннинг иш жойида ҳаракатланишини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатланиш йўллари ва хоналарининг мөъёrlанган барча параметрларига риоя қилиниши керак, санузеллар таркибида тегишли жиҳозлар ва мос-

ламаларга эга бўлган ҳожатхоналар бўлиши, одамларнинг хоналардан тўсиқларсиз эвакуация қилиш (бехатар жойларга кўчириш) талабларига риоя қилинган бўлиши керак (белгиланган вақт ичидаги – 6 дақиқадан ортиқ эмас) (30, 31-расм).


30-расм. Жамоат биноларида курси-аравачада ҳаракатланадиган киши эҳтиёжларини инобатта олган ҳолда мослаштирилган туалет (ҳожатхона) хоналари:

- 1 — курси-аравачада ҳаракатланадиган кишилар учун тутқичлар;
- 2 — курси-аравачада ҳаракатланадиган киши эҳтиёжларини инобатта олган ҳолда ювингич раковинаси баландлигининг жойлашуви;
- 3 — остонасиз ҳожатхонага кириш эшиги.



31-расм. Жамоат биноларида ногиронлиги бор кишилар фойдаланишлари учун мослаштирилган ҳожатхонанинг маҳсус кабинкалар жойлашуви. Юқоридан кўрниши:


- 1 — жамоат биноларида ногиронлиги бор кишилар фойдаланишлари учун мослаштирилган ҳожатхонанинг маҳсус кабинкаси;
- 2 — курси-аравачада ҳаракатланадиган кишилар киришлари учун майдонча жойлашуви;
- 3 — умумий фойдаланишга мўлжалланган ҳожатхона кабинкаси.



- Эвакуация (бехатар жойларга күчириш)нинг меъёрланган вақти таъминотининг иложиси бўлмаган ҳолатида, қутқарув хизматининг келгунiga қадар, вақтгиналиқ кириб туриш учун ёнгин ва портлашдан бехавотир бўлган зоналар бўлиши лозим. Кўрсатилган барча лойиҳалаштирилувчи тадбирлар лойиҳалашнинг амалдаги меъёrlарига мувофиқ бажарилиши шарт.

6.3. Саноат инфратузилмаси обьектлари – корхона, цехларнинг бинолари, иш ўринларини умумий хоналарда ёки ногиронлиги бор инсонларнинг (жисмонан саломатлиги ёмонлашуви турларига қараб ногиронликнинг у ёки бу тоифаси) фаолиятига мослаштирилган алоҳида бўлинмаларда жойлаштириш билан, ногиронлиги бор инсонларни ишга жойлаштириш имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштирилиши (қайта курилиши) керак (32-расм).

- Бинолар ва иш жойларининг имкониятга эгалиги ШНҚ 2.07.02 билан белгиланган. Мазкур ҳужжатта мувофиқ асосий хизматта мўлжалланган, санитар-маишӣ бино ва хоналар (ҳожатхона, ювиши хоналари, душ билан жиҳозланган ечиниш хоналари) нинг барча зарурӣ параметрлари белгиланади.
- Ногиронлиги бор инсонлар учун саноат обьектлари ва иш жойларини лойиҳалаштириш кўшимча тарзда, ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос технологик ҳусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, санитар-маишӣ хоналарининг бошлангич ҳисобланган кўрсаткичларини белгиловчи, санитар, технологик ва қурилиш меъёrlарига мувофиқ равищда инобатга олиниши керак (ҚМҚ 2.09.04-08)
- Ногиронлиги бор инсонларнинг меҳнат фаолияти муҳитидаги имкониятга эгалик таъминоти бўйича лойиҳалаштириш тадбирлари билан бир қаторда, зарур ахборотни қабул қилиш имконини берувчи ва эшитиши, кўриши, таянч-ҳаракатланиш функцияларида чекланишларга эга ногиронлиги бор инсонларнинг фаолиятини яхшилаш учун шароитлар яратувчи, замонавий техник воситалар қўлланилиши керак.



32-расм. Туар-жой бинолари хонадошларida ногиронлиги бор кишилар фойдаланишлари учун иш хонасининг жойлашуви:

- 1 — картотека ва кутубхона ҳудуди;
- 2 — маҳсулотни тайёрлаш учун иш ҳудуди (зонаси);
- 3 — компьютер ва оргтехникадан фойдаланиши учун хона.

ИЛОВАЛАР

1-ИЛОВА

МАЙДОНЧА ТАНЛАШДАН ТО ОБЪЕКТНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГУНИГА ҚАДАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЭСЛАТМАСИ

Курилиш объектларини лойиҳалаштиришга сармоядорнинг (буортмачининг) қабул қилган қарори асос бўлиб хизмат қиласди.

Капитал қурилиш (реконструкция, капитал таъмирлаш) учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва ҳукуқий-меъерий далолатномаларига (Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Шаҳар қурилиши кодекси, қурилиш норма ва қоидалари, қурилиш стандартлари ва ҳоказо) ҳамда сармоявий фаолиятни белгиловчи бошқа директив ҳужжатларга биноан иш кўриш лозим.

Лойиҳалаш жараёни ишларини бошлашдан аввал Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш қўмитасининг 2001 йил 15 майда қабул қилган 1 — сонли «Инвестицион лойиҳалар учун дастлабки муқаррар ҳужжатларни белгилаш ва маъқуллаш, ишлаб чиқиш тартиби, унинг таркиби» тўғрисидаги низомида белгиланган талабларга мувофиқ тегишли ҳужжатларни тайёрлаш лозим. Керакли ҳужжатлар қўйидагилардан иборат: ер участкасини қурилиш обьектига ўтказилиши ҳақидаги далолатнома, архитектура-режалаштириш топширигининг 1- ва 2-қисмлари (APT-1, APT-2), муҳандислик-техник изланишлар, туман маъмурияти бошлиги томонидан (ҳоким томонидан) маъқулланадиган ер участкасини ажратиб бериш тўғрисидаги қонуний тартибда белгиланган қарор.

APT-1 ва APT-2 сармоядор (буортмачи)нинг топшириғига асосланган ҳолда туманинг Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланади. APT-1 қизил белги ва чизиқлар ёрдамида ер участкасини ажратиб бериш тўғрисидаги қарордан ташкил топади. APT-2 муҳандислик коммуникациялари (совуқ сув таъминоти, канализация, иссиқ сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, электроэнергия таъминоти, радио-телефонлаштириш, газ таъминоти)га уланиш жойларини кўрсатадиган техник шарт-шароитлардан иборатdir. Муҳандислик-техник изланишлар муҳандислик геологиясидан, гидрологиядан, топографик ишлардан ташкил топади.

Дастлабки муқаррар ҳужжатларни тайёрлаш якунланганидан сўнг инвестор (буортмачи) томонидан 2-иловага мувофиқ ҳолда ШНҚ 1.03.01-08 «Ташкилотлар, бинолар ва иншоотлар капитал қурилишида лойиҳавий ҳужжатларни белгилаш ва маъқуллаш, ишлаб чиқиш тартиби ҳамда унинг таркиби» ҳамда Давлат архитектура қурилиш қўмитасининг ва бошқа талабгор вазирлик ва ташкилотларнинг ўрнатилган тартибдаги шартли розилиги билан лойиҳалаштириш топшириғига ишлаб чиқилади.

Лойиҳавий ҳужжатчиликни тайёрлашда лойиҳа ташкилотларини кўрик асосида танлаб олиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июнданги 302 — сонли «Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил қилиш» тўғрисидаги қарорида кўрсатилган талабларига мувофиқ ўтказилади; капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил қилиш жараёнида эса қўйидаги ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини белгиловчи қонуний-ҳукуқий ҳужжатларга таянади:

«Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби ҳақидаги низом» (Давлат архитектура қурилиш күмитаси томонидан 30.12.03 да тасдиқланган, Адлия Вазирлигига 24.01.04 да 1303-сонли қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтган);

«Қурилиш, реконструкция, техник қайта таъминланиш, лойиҳалаштириш, қурилиш обьектлари учун хом-ашё, конструкциялар ва асбоб-ускуналар соғиб олишга танловли ҳужжатлар экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидағи низом» (Давлат архитектура қурилиш күмитаси томонидан 27.11.07 да тасдиқланган, Адлия Вазирлигига 9.01.08 да 1757-сонли қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтган);

«Савдо танловларини ташкиллаштириш ҳамда ўтказиш тартиботи» юзасидан методик тавсиялар» (Давлат архитектура қурилиш күмитаси 16.01.06 даги 4-сонли бўйрги)

«Намунавий танловли ҳужжатчилик» (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 9.10.07 да тасдиқланган №05/1-738).

Иккебосқичли савдолар танлови натижасига кўра бош лойиҳа ташкилоти танлаб олинади ва бу ташкилот инвестор (буортмачи) билан буортмачи томонидан қабул қилинган босқичма-босқич лойиҳалаштириш қарорига асосланган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун шартнома (контракт) (ДТИА/ДТИХ, ТИА/ТИХ, ИЛ, ишчи ҳужжатлар) имзолайди.

Корхоналарнинг капитал қурилишига оид лойиҳа ҳужжатларининг тасдиқлаши, мувофиқлашуви, ишланиш тартиби ҳамда таркибий тузилемаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сонли қарори ва ШНҚ 1.03.01-08 га мувофиқ равишида, бу ҳолатда қурилмаларнинг табиий ва техноген талафотлар, ёнгин ва портлаш хавфсизлигига оид лойиҳавий қарорлар мутасадди ташкилотлар билан келишилган ҳолда, фавқулоддаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Санэпидстанция бўлимлари билан ҳам санитария-гигиена меъёлларига амал қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат кўмитаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти — ногиронлиги бор кишиларнинг имкониятга эгалиги таъминоти борасида, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Шаҳарсозлик кодекси 6-м.) томонидан белгиланади.

Лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари буортмачига белгиланган тартибда топширилади, бу ўз навбатида Давлат экспертиза бўлимлари (Давлат архитектура қурилиши, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, хизмат кўрсатувчи банк кабилар)га узатилади ва қабул қилинган лойиҳалаш қарорларининг меъёрий-хуқуқий далолатнома талабларига мувофиқ келиши юзасидан текширувлар олиб борилади. Экспертларнинг эътироzlарига оид муаммолар ижобий ҳал бўлганидан сўнг, Вазирлар Маҳкамаси Информацион — таҳдил департаментига тасдиқланиши учун лойиҳа ҳужжатлари (ДТИА/ДТИХ, ТИА/ТИХ) ни тайёрлайди. Лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқ комплексларига биноан тасдиқланади.

Лойиҳа ҳисоб-китобига оид ҳужжатлар тасдиқланганлигидан кейин буортмачи меъморий-қурилиш назоратни амалга оширувчи маҳаллий инспекцияси томонидан рухсатномани олиб, қурилиш ишлари бошлангунига қадар меъморий-қурилиш назорати юзасидан контракт имзолайди.

Лойиҳа ҳисоб-китобига оид ҳужжатлар тасдиқланганлиги асосида буортмачи ёки ихтисослаштирилган ташкилот томонидан, меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бериши нуқтаи назаридан, бош пудратчи ташкилотни аниқлаш ва қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш, материал, қурилма ва анжомларни ха-рид қилиш борасида танлов савдолари ўтказилади.

Курилиш бошланишидан аввал буюртмачи томонидан муаллифлик назоратини амалга ошириш юзасидан шартнома имзоланиб, белгиланган ходим томонидан қурилишни күзатиб бориш юзасидан ҚМҚ 1.03.07-96 «Курилиш юзасидан муаллифлик ва техник назоратини амалга ошириш ҳолати»га биноан техник назорат амалга оширилади.

Курилиш — монтаж ишлари якунланганлыги ва монтаж анжомларининг жойлашувига қадар, ШНҚ 3.01.04-04 «Якунланган қурилиш объектларини эксплуатация (фойдаланилишига топшириш) юзасидан қабул қилиб олишнинг асосий шартлари» талабларига биноан туман ҳокимлиги томонидан объектни эксплуатация (фойдаланилишига топшириш) га қабул қилиб олиш учун ишчи гуруҳи тузилади. Объектни эксплуатация (фойдаланилишига топшириш) га қабул қилиб олиш учун тузилган ишчи гурухининг ижобий натижаларига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қурилиши якунланган объектларини эксплуатация (фойдаланилишига топшириш) юзасидан қабул қилиб олиш ва фойдаланиш учун рухсат бериш мақсадида Давлат комиссияси белгиланади.

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН АСОСИЙ ТЕРМИН ВА ТУШУНЧАЛАР

APT-1 — меъморий-режалаштириш топшириги, 1-қисми қурилиш майдончалиси (трасса)ни танлаш расмий ҳужжатидан, қурилиш майдончасини ажратиш тўғрисидаги маҳаллий ҳокимиятнинг қароридан, қизил чизиклар (майдонча чегаралари), майдонча жойлашувининг ситуациюн (вазиятта доҳил) чизмасидан ташкил топган;

APT-2 — меъморий-режалаштириш топшириги, 2-қисми муҳандислик коммуникациялари (совуқ ва иссиқ сув таъминоти, иссиқлик қуввати билан таъминланиш, электр таъминоти, газ билан таъминланиш, алоқа, оқава сувлар)нинг уланиши билан боғлиқ техник шароитлардан таркиб топган;

архитектура ва қурилиш бош бошқармаси — Давархитектқурилиш қўмитасининг ваколати доирасига кирувчи, мажбуриятiga эга бўлган ва архитектура ва қурилиш бош бошқармаси Низоми асосила фаолият кўрсатаётган, Давархитектқурилиш қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлинмалари. Ҳудуднинг ривожлантириш режасига мувофиқ тарзда шаҳар, аҳоли яшаш пунктлари, қишлоқ жойларининг ривожланишини таъминлайди. Буюртмачининг талабига кўра APT-1 ва APT-2 ни тайёрлайди;

архитектура (курилиш назорати инспекцияси) — жойлардаги Давархитектқурилиш қўмитасига тегишли идоралар (Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар) туркуми бўлиб, қурилишнинг бориши юзасидан архитектура — қурилиш назоратини амалга оширувчи ва қурилишни бошлаш учун рухсатнома тақдим этувчи вакиллик;

бош лойиҳачи — Давархитектқурилишнинг лойиҳалаш фаолиятини амалга ошириш бўйича маҳсус лицензияга эга ҳамда ким ошди савдоси танлови голиби бўлган лойиҳалаш ташкилоти. Бош лойиҳачи лойиҳа ҳужжатлари сифати, қонунчилик ва норматив-хуқуқий ҳужжат талабларининг бажарилиши, ёнгина қарши курашишни таъминлаш, табиий ва техноген фалокатлар оқибатларини бартараф этиш, атроф муҳитни ҳимоя қилиш тадбирларини ва ногиронлиги бор кишилар учун имкониятлар яратиб бериш бўйича талабларни бажаришга юридик жавобгардир. Лойиҳалаш бўйича топшириқ ва буюртмачи билан тузилган шартномани амалга ошириш белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган ҳолда амалга оширилади;

бош пудратчи — қурилиш ташкилоти, капитал қурилиш (реконструкция) обьектіда қурилиш-монтаж ишларини амалға оширилиши бүйіча бош пудратчи ташкилот, савдо күрік танлови голиби. Бажарлаёттан қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланған лойиха ҳужжатларига мослиги, норматив ҳужжатлары билан мұвофиқлігі, қонунчилік ва норматив -хукуқий талаблар қондирилиши, ёнғин-портлаш хавфсизлігін таъминлаш, табиий ва техноген фалокат оқибатларининг олдини олиш, табиат мұхофазасы тағдирларини амалға ошириши бүйіча юридик жағобгар шахс ҳисобланади. Алоқда турдаги қурилиш ишлари бажарлыши учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.09.03 дан күткөн кирған 410 -сонли (саноат альпенизм усуллари билан қурилиш, жуда хавфли ва юқори хатарлы обьектлар, мудофаа обьектлари, күпприк ва туннеллар) 4–6-сонли иловаларига биноан Давархитектқурилиш қўмитасининг рухсатномаси олиниши шарт;

дастлабки-режалаштириш ҳужжатчилігі — рухсат берувчи ва мұвофиқлік ҳужжатлари түплами, унинг асосида келажакда обьектлар қурилишига оид лойиха- смета ҳужжатлари ишлаб чиқылади. Дастлабки-режалаштириш ҳужжатлари таркибиға мұхандислик-техникавий изланишлар, МРТ-1 ва МРТ-2, АМТБ (атроф мұхитта таъсири түғрисида баёнот) киради;

Давархитектқурилиш — Ўзбекистон Республикаси архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси – қурилиш ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги техник ваколатни амалға оширадиган давлат идораси вакили. Давархитектқурилиш түғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 538-сонли қарори билан 2.12.03 й.да тасдиқланган;

Давлат комиссияси — муассасани фойдаланишга қабул қилиб олишни амалға оширади;

ДТИА/ДТИХ — дастлабки техник-иқтисодий асосланиш ёки дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб, рационал жойлашув ва самарадор техник, ташкилий ва иқтисодий ечимнинг ҳаётга тадбиқ этилиши, варианtlар мұхокамаси ва юзага келиши, әхтимоллик чизмалари асосидаги умумий чегаравий лойиха нархи, яны технологик жиҳозларни акс эттирувчи техник-иқтисодий ҳисоб ҳужжати;

ИЛ (Ишчи лойиха) — асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларининг якуний нарх ва ишчи ҳужжатларини ўзида сақлаб, таъкидовчи қисмдан ташкил топған ҳужжат;

ишли ҳужжат — алоқда бино ва иншоотлар устидаги ишчи чизмалар түплами. Мураккаб обьектлар бүйіча ишчи ҳужжат тузишда лойиха материалларини аниқлаштирувчи қўшимча ишловлар берилади. Ишчи ҳужжатда ишчи кучи ва асосий қурилиш материалларига кеттган харажатлар ҳисоби, тасниф келтирилиши лозим, айни пайтда қатнашмаёттан анжом ва маҳсулотлар учун ишчи қурилиш чизмаси бўлиши шарт. Ишчи ҳужжат, буюртма берилеёттан хусусий ва импорт жиҳоз бүйіча илк маълумотлар асосида тузилади;

лоиҳалаш — қонунчилік ва норматив-хукуқий ҳужжатлар талабларига мажбурий риоя қылган ҳолда, обьектларни қурилиши учун смета-лоиҳавий ҳужжатларини ишлаб чиқиши билан боғлиқ бўлган технологик жараён;

лоиҳалаш бўйича топшириқ — буюртмачининг, қонунчилік ва норматив – хукуқий ҳужжатлари билан белгиланган, ишлаб чиқарилаёттан лойиха – смета доирасидаги, бир қатор талабларни ўз ичига олади. Лойиҳалаштириш бўйича топшириқ буюртмачи томонидан ёки унинг топшириғига биноан лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан тузилади. Лойиҳалаш бўйича топшириқ юқори

орган томонидан тасдиқланади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқ комплекси томонидан) ва ШНҚ 1.03.01-08 да кўрсатилган манфаатдор тарафлар билан келишилади. Лойиҳалаш бўйича топширик регламент таркибига кирувчи ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қурилиш монтаж ишларининг асосий таркибидир;

лойиҳа — смета ҳужжатлари — лойиҳавий ташкилот томонидан ишлаб чиқиладиган конструктив, технологик, мустаҳкам ва қурилиш обьекти тузилиши учун муҳим бўлган қарор қабул қилиш билан боғлиқ техник ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 7.06.07 дан кучга кирган 110 —сонли (ҳамда ШНҚ 1.03.01-08) қарори талабига биноан лойиҳа — смета ҳужжатларининг мураккаблигига қараб қўйидаги вариантларда ишлаб чиқилади: 1 — вариант инвестиция лойиҳаси бўйича ва 2-,3- вариантлардан ташқари (ДТИА -тандов ҳужжатларини тайёрлаш/ молиялаштириш манбаларини ва шартларини келишиш — ТИА — ишчи ҳужжатлар); 2-вариант «бошқа тармоқлар» обьектлари ва ижтимоий соҳа бўйича индивидуал лойиҳа тузишда (ДТИХ-тандов ҳужжатларини тайёрлаш/ молиялаштириш манбаларини ва шартларини келишиш — ТИХ- ишчи ҳужжатлари); 3-вариант қолган «бошқа тармоқлар» обьектлари ва ижтимоий соҳа бўйича намунавий ва қайта-қўлланувчи обьектлар қўлланилганда ИЛ- тандов ҳужжатларини тайёрлаш;

лойиҳа-смета ҳужжатлари юзасидан Давлат экспертиза ташкилотлари — маҳсус бўлимлар сирасига кириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ равиша тузилади ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатлари юзасидан юқори малакали ходимлар томонидан қабул қилинган қонунчилик ва норматив-хукуқий ҳужжатлар асосида ёнгин-портлаш хавфсизлиги таъминоти, қурилмаларнинг зилзилага сейсмик бардошлилик ҳолати, табиат муҳофазаси тадбирлари, ногиронлиги бор кишиларнинг имкониятга эгалик таъминоти, аҳоли яшаш пунктларининг меъморчилик қиёфаси юзасидан бинокорлик ва таъмирлаш ишларини амалга оширилиши, сарфланадиган воситаларнинг тежамкорлик ҳолати кабилар экспертизадан ўtkазилади. Лойиҳа-смета ҳужжатчилиги юзасидан Давлат экспертиза орган ташкилотларининг ижобий баҳоланиши олинмасдан туриб, қурилиш ишларини бошлаш таъқиқланади;

муаллифлик назорати — обьектнинг қурилиш вақтидан то фойдаланишга топширилгунига қадар лойиҳалаш ташкилоти — лойиҳа муаллифининг технологик, меъморий-режалаштириш, бошқа техник қарор ҳамда обьектни қуриш юзасидан киритилган техник-иқтисодий кўрсаткичлар, эътироф этилган ҳолатлар, қурилиш-монтаж ташкилотлари ва буюртмачилар яратадиган биноларнинг юқори сифатини таъминлаш мақсадида, ҳисоб-китоб қиймати мидорида амалга оширилувчи ишларнинг назорати. Муаллифлик назоратини амалга ошириш мақсадида буюртмачи ҳамда лойиҳалаш ташкилоти томонларидан алоҳида шартнома имзоланади. Буюртмачи (ташкилотнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар) бош лойиҳалаш ташкилоти (ложиҳа муаллифи) билан, обьект қурилишида муаллифлик назоратини амалга ошириб бориши учун, шартномани имзолаши шарт. Муаллифлик назорати ходимлари бевосита лойиҳа ишлаб чиқаришда иштирок этувчилардан танлаб олиниб, ўз навбатида лойиҳалаш ташкилоти маъмурияти буйргуга биноан белгиланиб, муаллифлик назорати дафтарчасини тутишлари лозим. Муаллифлик назорати дафтарчаси бош лойиҳалаш ташкилоти томонидан буюртмачига белгиланган режа-графики муддатида тақдим этилади. Белгиланган тартибда расмийлаштирилган муаллифлик назорати дафтарчаси буюртмачи томонидан бош пурратчига қурилиш тутагунига қадар қайд қилиб бориш учун берилади;

муҳандислик-техникавий изланишлар — физика-кимёвий хусусиятлар ва ғовак тупроқларни зичлаш тузилмаси, қурилиш ҳудудида уларнинг геологик тузилмаси ва тектоник хусусиятлари, ер ости сувлари ғовак чукурлиги ва тажо-вузкорлиги, майдонча юзасининг бўргаси ва бошқалар қурилиш майдончалини тадқиқот қилишга қаратилган тадбирлар комплекси. Муҳандислик-техникавий изланишлар муҳандислик геологиясидан, муҳандислик гидрологиясидан, топографик ишлар ва бошқалардан ташкил топган;

объектни фойдаланишига қабул қилиш ишчи комиссияси — қурилиши тутатилган муассасани давлат комиссиясига топшириш мақсадида тайёрлигини белгилайди.

сублойиҳачи — лойиҳанинг алоҳида қисмини амалга оширишда Давархитект-қурилиш лицензиясига эга бўлган, лойиҳалаш ташкилоти. Сублойиҳачи ким ошди савдоси танлови ёрдамида танлаб олинади. Ўзига тегишли лойиҳалаш ҳужжатлари учун юридик жавобгар ҳисобланади. Ўз фолиятини бош лойиҳаловчи томонидан тасдиқланган лойиҳа топшириги ҳамда бош лойиҳачи ташкилот билан тўғридан-тўғри тузилган шартнома асосида амалга оширади;

субпудратчи — қурилиш ташкилоти бўлиб, бош пудратчи билан имзоланган алоҳида шартнома бўйича қурилиш-монтаж ишлари қисмларини бажарувчи савдо кўрик танлови голиби. Субпудратчи ташкилотига нисбатан қўйиладиган талаблар, худди бош пудратчиникидек. Лойиҳа ҳужжатлари экспертизаси олиб борилишида, архитектура — қурилиш назорати ДАҚН томонидан қурилиш ишлари сифати учун субпудратчи бош пудратчи олдида жавобгар;

сармоядор (буортмачи) — капитал қурилиш (реконструкция)ни амалга ошириш учун маблағ сарфлаётган юридик ёки жисмоний шахс. Маблағ сарфлаш кўчмас мулк (бино, иншоот), кўчмас мулк (машиналар, механизмлар), шунингдек, молиявий воситалар ва қимматбаҳо қозозлар кўринишида бўлиши мумкин. Сармоядор ўзи ҳам, сармоядор мажбуриятлари вазифасини ҳам буортмачи сифатида мужассамлаштириши мумкин, ёки шартнома асосида юридик ёки жисмоний шахс сифатида буортмачи вазифалари борасида вакиллик қилиши мумкин;

танловлар ким ошди савдоси — пудратчи ва лойиҳалаш ташкилотларининг иқтисодий — техник кўреаткичлари бўйича лойиҳа ҳужжатларини ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун танлаб олиш жараёни. Танловлар ким ошди савдоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.06.03 санадаги 302-сонли қарорига биноан амалга оширилади;

техник назорат — корхоналарни янгидан бошланган қурилиши мобайнинда, саноат, транспорт, алоқа, сугориш ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги борасидаги қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техникавий жиҳозлаш, уй-жой бинолари ва муассасаларнинг қурилиши ва қайта таъмирланишида ҳамда бошқа мақсаддаги муассасалар эксплуатацияга топширилгунича белгиланган муддатда буортмачи томонидан олиб бориш учун амалга оширилади. Техник назорат мақсади:

- лойиҳа асосида қабул қилинган техник ечимларнинг амалга оширилиши;
- қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми ва қиймати лойиҳа ва сметага мувофиқ келиши;
- қурилиш-монтаж ишларни амалга оширишда қурилиш нормалари, қоидалари ва техник талабларининг инобатга олиб борилиши;
- қўлланиладиган қурилиш материаллари, маҳсулот ва конструкцияларнинг сифати ГОСТларга мос келиши;

— курилиш-монтаж ишларини сифатли ва белгиланган муддатда амалга оширилиши юзасидан мунтазам назоратни таъминлаш бўйича;

Техник назорат ходимлари буюртмачининг маҳсус қарор билан тайинланадилар. Барча курилиш-монтаж ишлари режага мос равишда тўлиқ ҳажмда ижро этилганидан сўнг ҳамда муассаса доимий эксплуатацияга қабул қилингунига қадар давлат комиссияси томонидан барча белгиланган саволлар ўз ечимини топганидан кейин техник назорат иши тутатилади. Техник назорат фаолияти тутатилиши назоратдаги муассасада техник назоратни тайинлаган ташкилот томонидан маҳсус қарорга биноан расмийлаштирилади;


ТИА/ТИХ — техник иқтисодий ташкиллаштириш ҳамда техник иқтисодий ечим, якуний, энг унумли техник, ташкилий ва молиявий-иктисодий қарорларни инвестицион лойиҳалар устида савдо кўрик танловлари асосида амалга оширишни белгиловчи ҳужжат;

курилиш норматив (меъёрий) ҳужжатлари — лойиҳалаштириш ташкилотлари ва корхоналари томонидан ишлаб чиқилган ва Давлатархитектуркурилиш томонидан тасдиқланган ҳамда лойиҳалаш ва қурилиш қошидаги қонунлар ва норма (меъёр) ларни ўрнатувчи ҳужжатлар (ҚМК, ШНК) ни ўз ичига олади;


курилишнинг бориши юзасидан архитектура (курилиш назорати) — қурилиш жараёни иштирокчилари томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар ва қурилиш меъёrlари ҳамда қоидаларнинг бажарилишини назоратга олиш ҳаракати.

курилиш-монтаж ишлари — бинолар ҳамда иншоотлар қурилишида ва технологик анжомларнинг монтажи асосида қатор ишларни амалга ошириш мажмуи. Қурилиш-монтаж ишлари қабул қилинган лойиҳалаш қарорларига мувофиқ равишда бажарилиши лозим. Қурилиш-монтаж ишларининг тўлиқ якунланиши ҳолатида объект фойдаланиш учун топширилади.


**КАПИТАЛ КУРИЛИШ (КАЙТА ТАММИРЛАШ)НИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТҮЙЛІК
ИШ ЦИКЛИНИҢ ХАРИТА СХЕМАСЫ**




КЕНГАЙТИРИЛГАН ХАРИТА СХЕМАСИ
I-БЛОК. КУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ ТУРЛАРИ



II-БЛОК. ДАСЛАВКИ-РЕЖАЛАШТИРИШ ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ



**БЛОК III. ЛОЙИХАЛАШ ХАМДА КУРИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ФОЙДАНИШГА ТОПШИРИШ**



3-ИЛОВА

ИШ БЕРУВЧИННИГ ФУҚАРОЛИК МАСЬУЛИЯТИНИ МАЖБУРИЙ СУГУРТАЛАШ ЮЗАСИДАН ЭСЛАТМА

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сүгурта қилиш тўғрисида»ги Қонундан асосий мақсад-ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, унинг ҳәти ва соғлигига етказилган зарарниundiриш ҳукуқини амалга оширишга кўмаклашиш ҳамда зарарни қоплаш билан боғлиқ иш берувчининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда ҳәти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Сүгурта товони асосан қўйидаги тўловлардан иборат:

- жабрланувчи меҳнатда жароҳат олгунига қадар олган ўртacha ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганилик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўлов ёки касаллиги аниқланунга қадар олган ўртacha ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлов;
- марҳумнинг ўртacha ойлик иш ҳақи миқдоридаги, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилган зарарнинг ўрни қопланишига ҳақли бўлмаган, меҳнатта қобилиятли шахсларга тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлов;
- қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жабрланувчига ёки наф олувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови;
- ходим вафот этган тақдирда мажбурий сүгурta қилиш шартномасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда ги дафн этиш харажатлари;
- иш берувчининг қўшимча харажатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация қилиш тарзида амалга оширилади.

Бунда мажбурий сүгурta қилиш бўйича сүгурta товони етказилган зарар миқдорида, лекин сүгурta пули миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда тўланади (сүгурta пулидан ортиқ қисми иш берувчи томонидан тўланади).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июнда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сүгурta қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 177-сонли қарори қабул қилиниб, ушбу қарор билан «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сүгурta қилиш қоидалари» тасдиқланди. Иш берувчилар фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сүгурta қилишни ушбу қоидалар талабларига мувофиқ амалга оширадилар.

Иш берувчи у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки иш берувчилар жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракт) тузилган санадан бошлаб 15 иш кунидан кечикмай ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сүгурta қилиши шарт.

Мажбурий сүгурta қилиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятнинг иш берувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

4-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ МЕҲНАТ ВА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРГА МУВОФИҚ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УЧУН КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ (ИШ БЕРУВЧИЛАР)ГА ТАВСИЯЛАР

Меҳнат муносабатлари бўйича:

1. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун (18-моддаси) ва Меҳнат кодексига (102-моддаси) мувофиқ иш берувчилар:
 - бўш иш жойлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда олдиндан (камидан икки ой олдин) мўлжалланилаётган ишдан озод қилишлари тўғрисидаги, бўшаб қоладиган ҳар бир ходимни кўрсатган ҳолда, ахборотларни Бандликка кўмаклашувчи марказга тақдим этади;
 - маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган энг кам миқдордаги (квота) иш жойларига ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларни ишга жойлаштиради.
2. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахслар учун иш жойларини (квота) яратиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти чиқарган қарорларни бажарманлиқ учун иш берувчилардан ҳар бир яратилмаган иш жойи учун ходимнинг йиллик ўртача иш ҳақи миқдорида жарима ундирилади.
3. Корхонангиздаги мавжуд бўш иш ўринлари ёки ходимларга бўлган эҳтиёjlар тўғрисида ҳамда меҳнат қонунчилиги бўйича бошқа масалаларда корхонангиз жойлашган ҳудуддаги туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.
4. Меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 89-моддада, 100-модда иккинчи қисмининг 1, 2 ва 6- бандларида ҳамда 106-модданинг 2-бандида кўрсатилган сабабларга кўра бекор қилинган ҳолларда иш қидириш даврида икки ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади, бунда ходимга тўланган бир ойлик ишдан бўшатиш нафаси ҳам қўшиб хисобга олинади. Агар ушбу ходимлар ишдан бўшатилган кундан бошлаб ўн календарь кун ҳисобида белгиланади.

Меҳнатни муҳофaza қилиши бўйича:

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.
2. Корхонада ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошса, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил қилинади. Ходимлар сони 50 нафардан кам бўлган ҳолларда, раҳбарлардан бирининг зиммасига буйруқ билан юкланади.
3. Ишчиларни йўриқномадан ўтказиш иккига бўлинади, яъни кириш йўриқномаси ва иш жойида ўтказиладиган йўриқнома. Иш жойидаги йўриқнома ўз навбатида бирламчи, даврий ва навбатдан ташқари йўриқномаларга бўлинади. Йўриқномадан ўтган ишли ва ходимлар йўриқномадан ўтказиш журналига қайд этилиб, тегишли имзолар куйилиши билан расмийлаштирилади.

4. Касблар ва иш турлари учун меңнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари «Меңнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) Низомга мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.
5. Ҳар бир ходим ўз касблари ва иш турлари бўйича хавфсиз меңнат олиб бориши учун белгиланган тартибларда меңнатни муҳофаза қилиш йўриқномаларидан ва билимлари текширувдан ўтказилиши шарт. Меңнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномадан ўтмаган ва билими текширилмаган ходимларни ишга кўйиш тақиқланади.
6. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ходимлар билан баҳтсиз ҳодисалар содир бўлган тақдирда, дарҳол, Давлат меңнат техник инспекторларига хабар бериш керак.
7. Иш берувчи ходимларга соғлом ва хавфсиз меңнат шароитлари яратиб беришда қўйидаги тадбирларни:
 - ишлаб чиқариш ускуналарининг хавфсизлигини таъминлаш, юк қўташиб механизмларини ўз вақтида техник кўрикдан ўтказишни, дасттоҳларни ҳаракатланувчи қисмларини ҳимоя тўсиқлари билан, электр токида ишловчи ишлаб чиқариш воситаларини ерлантирилганлигини; ясама (қўлбола) дасттоҳлардан фойдаланмасликни, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари мавжуд иш жойларида санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи меңнат шароитларини, шамоллатиш иситиш ва совутиш, табиий ва сунъий ёритиши тизимлари узлуксиз ишлашини;
 - меңнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга белгиланган мөъёлларда якка тартибдаги ҳимоя воситалари ҳамда сут ва даволаш-профилактика озиқ-овқати маҳсулотлари берилishiни; меңнат кодексининг 214-моддаси асосида дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан ходимларни тиббий кўрикдан ўтказилишини;
 - аёллар ва вояга етмаганлар меңнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишларга уларни жалб қилинмаслигини; иш жойларини меңнат шароитлари бўйича шаҳодатдан ўтказилишини; электр хўжалигига буйруқ билан маҳсус тайёргарликка эга жавобгар шахс тайинланишини;
 - меңнатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун маблағ ажратилишини амалга ошириши лозим.

5-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ 1991 й. 18.11даги № 422-ХИ ҚОНУНИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТҮГРИСИДАГИ

Мазкур Қонуннинг янги таҳрири 11.07.2008 й. ЎРҚ-162-сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган

1-Б О Д Д А . УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-м о д д а . Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-м о д д а . Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш түгрисидаги қонун ҳужжатлари

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш түгрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш түгрисидаги қонун ҳужжатларida назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

3-м о д д а . Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ногирон — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтоҷ шахс;

ногирон болалар — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтоҷ ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш — ногиронларга турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши, қоплаши (компенсация қилиши) учун шарт-шароитларни таъминловчи ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва хуқуқий чора-тадбирлар тизими;

ногиронларни реабилитация қилиш — ногиронларга организмининг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини тикалашига ва уларни компенсация қилишига, турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши учун ёрдам беришга қаратилган тиббий, ижтимоий, психологик, педагогик, жисмоний, касбга, меҳнатга доир чора-тадбирлар тизими;

тиббий-ижтимоий экспертиза — муайян шахс организмининг барча тизимларини комплекс текшириш асосида унинг соглигини йўқотганлик даражасини, организми функциялари тургун бузилиши оқибатида турмуш фаолиятининг чекланганлик даражасини, ногиронлик гурухини, ногиронликнинг юз берганлиги сабаблари ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек шахс учун соглигининг ҳолатига кўра амалга ошириши мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва меҳнат шароитлари, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёjlари ҳақида тавсиялар тайёрлаш;

шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги — шахснинг ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шугулланиш қобилиягини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлиги.

4-м о д д а . Шахсни ногирон деб топиш

Шахсни, шу жумладан ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан, ўн олти ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш эса, тиббий-маслаҳат комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссияларини тузшип, шунингдек улар томонидан хulosалар бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-м о д д а . Ногиронлар ҳуқуқларининг кафолатлари

Давлат ногиронлар турмуш фаолиятининг чекланганлигини баҳолаш асосида уларнинг ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимоя чора-тадбирларига бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олиниши таъминланишини, ногиронларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган турларидаги дастурлар амалга оширилишини, ногиронларнинг жамият билан уйғунлашиши учун шароитлар яратилишини, ногиронларни камситишнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини кафолатлайди.

6-м о д д а . Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- ногиронларнинг камситилишига йўл қўймаслик;
- ногиронларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;
- ногиронларнинг ҳуқуқлари ва улар учун имкониятлар тенглитетини таъминлаш;
- ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;
- ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълим минни, ногиронларнинг қасб тайёргарлигини, умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим олишини таъминлаш;
- давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг ногиронлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг ошкоралигини ҳамда очиқ-оидинлигини таъминлаш;
- ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўргасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

7-м о д д а . Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

- ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантиради ва амалга оширади;
- ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича устувор йўналишларни белгилайди;
- ногиронларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир давлат дастурларини, шунингдек худудий дастурларни шакллантиради ва амалга оширади;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш түгрисидаги қонун хужжатларининг ижросини таъминлайди;

давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлашириб боради;

ногиронлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тарьминловчи давлат органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

ногиронларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш ва илмий тадқиқотлар ўтказишни ҳамда мутахассислар тайёрлашни молиялаширади ва ташкил этади;

ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳожж бўлган ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатувчи стационар муассасалар тармогини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар кўради;

ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини захирада сақлайди;

реабилитация, илмий-ишлаб чиқариш марказлари, давлат соғлиқни саклаш тизимидағи амбулатория ва стационар даволаш-профилактика муассасаларида, ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш стационар муассасаларида тиклаш терапияси бўлинмалари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари, ихтисослаштирилган санаторий-курорт муассасалари тизимини, шунингдек ногиронларга ижтимоий-маишӣ хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ва ташкилотлар ташкил этади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

8-м о д д а . Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишга кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва белгиланган тартибда халқаро ташкилотлардан ҳуқуқий, услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда, шунингдек тегишли тадбирларни молиялаштиришда иштирок этиши мумкин.

2-Б О Б . НОГИРОНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИГА ТЎСҚИНЛИКСИЗ КИРИШИ, ТРАНСПОРТДАН, АЛОҚА ВА АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАН ТЎСҚИНЛИКСИЗ ФОЙДАЛАНИШИ УЧУН ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ

9-м о д д а . Аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш, транспорт воситалари, алоқа ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришида ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш

Ногиронларнинг кириши ва фойдаланиши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришга, тураржой даҳаларини барпо этишга, янги қурилиш учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишга, бинолар, иншоот-

лар ва уларнинг комплексларини реконструкция қилишга шунингдек транспорт воситаларини, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга йўл кўйилмайди.

Янги бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини куриш учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини куриш ҳамда реконструкция қилиш нормалари ва қоидалари ногиронларнинг тегишили жамоат бирлашмалари фикрини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилиши лозим.

10-м о д д а . Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз киришини, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлаш

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан бўён матнда ташкилотлар деб юритилади) ногиронларнинг (шу жумладан, ўриндиқли аравача ҳамда етакловчи итлардан фойдаланувчи ногиронларнинг) ижтимоий инфратузилма объектларига (туаржойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томушагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темирийўл, ҳаво, сув транспортидан, шаҳарлараро автомобиль транспортидан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиши шарт.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни амалга оширувчи ташкилотлар вокзалларни, аэропортларни ҳамда бошқа объектларни уларнинг хизматларидан ногиронлар тўсқинликсиз фойдаланиши имконини берувчи маҳсус мосламалар билан жиҳозлашни таъминлайди.

Ногиронлар ёки ўз таркибида ногирон бор оиласлар эгаллаган туаржойлар, шунингдек ногиронлар учун қурилаётган уй-жойлар ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ маҳсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозланиши керак. Бундай туаржойларни жиҳозлаш уй-жой фонди ўз тасаруфида бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бу тадбирларни молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Мазкур объектларни уларга ногиронларнинг тўсқинликсиз кириши учун мослаштиришнинг имкони бўлмаган ҳолларда, тегишили ташкилотлар ногиронларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришни таъминловчи зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак.

11-м о д д а . Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз киришини, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлашга доир вазифаларни бажармаганлик учун иқтисодий жавобгарлик

Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига (туаржойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томушагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темирийўл, ҳаво, сув транспортидан, шаҳарлараро автомобиль транспортидан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситалари

дан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича ушбу Қонунда назарда тутилган талабларни бажармаганлик учун ташкилотларга энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинади. Жарима солиш суд томонидан, ташкилотлар хукуқбузарлик содир этишдаги айбига икror бўлган ва жаримани ихтиёрий равиша тўлаган тақдирда эса меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Тўланган жарима суммалари Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига йўналтирилади ҳамда улардан ушбу Қонун 10-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган обьектларни мослаштиришга доир тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмida назарда тутилган жаримани тўлаганлик ташкилотларни ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма обьектларига тўсқинликсиз кириши, транспортдан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича ушбу Қонун талабларини бажаришдан озод этмайди.

3-Б О Б . НОГИРОНЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ

12-м о д д а . Ногиронларни реабилитация қилишнинг мақсади

Ногиронларни реабилитация қилишнинг мақсади ногиронларга тўлақонли турмуш кечириш ҳамда ўз хукуқлари ва потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш имконини берувчи ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятнинг ҳар хил турларига доир қобилиятларини тиклашдан иборатdir.

13-м о д д а . Ногиронларни реабилитация қилиш турлари

Ногиронларни реабилитация қилиш кўйидагиларни ўз ичига оловчи чора-тадбирларнинг яхлит тизимиdir:

- ногиронларни тиббий реабилитация қилиш, бу тиклаш терапияси, реконструктив жарроҳлик, протезлаш ва ортезлашдан иборат бўлади;
- ногиронларни касбий реабилитация қилиш, бу касбга йўналтириш, касб таълими бериш, касб-хунар-ишлаб чиқариш мослашувидан ва ишга жойлаштиришдан иборат бўлади;
- ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, бу ижтимоий-муҳитда йўлини топа олиш ва ижтимоий-маший мослашувдан иборат бўлади.

14-м о д д а . Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тиббий-ижтимоий экспертиза асосида ишлаб чиқилган, ногирон учун энг мақбул реабилитация қилиш чора-тадбирлари комплекси бўлиб, у организмнинг издан чиқсан ёки йўқолган функцияларини, шунингдек ногироннинг меҳнат фаолияти муайян турларини бажаришга бўлган қобилиятларини тиклашга, уларни компенсация қилишга қаратилган тиббий, касбий реабилитация қилиш чора-тадбирларини ҳамда реабилитация қилишнинг бошқа чора-тадбирларини рўёбга чиқаришнинг айrim турлари, шакллари, ҳажмлари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олади. Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ташкилотлар бажариши учун мажбурийdir.

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ногирон учун тавсия тусига эга бўлиб, ногирон реабилитация қилиш чора-тадбирларининг у ёки бу турини, шаклини ва ҳажмини, шунингдек дастурнинг амалга оширили-

шини бутунлай рад этиши мүмкін. Ногирон ўзини мұайян техника воситаси ёки бошқа восита ёхуд реабилитация қилиш түри, шу жумладан автомобиллар, ўриндиқи аравачалар, протез-ортопедия буюллари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз күчайтиргич аппаратлар, сигнализаторлар, субтитрлі ёки сурдо таржимаси бўлган видеоматериаллар, бошқа шунга ўхшаш воситалар билан таъминлаш тўғрисидаги масалани мустақил равишда ҳал қилишга ҳақлидир. Ногиронларга реабилитация қилишнинг техника воситаларини тақдим этиш ва реабилитация хизматлари кўрсатиш, қоида тариқасида, натура шаклида амалга оширилади.

Агар ногиронга ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда тутилган техника воситасини тақдим этишнинг ёхуд хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмаса ёки агар ногирон ўз ҳисобидан тегишли воситани олган ёхуд хизмат учун ҳақ тўлаган бўлса, унга ногирон учун тақдим этилиши лозим бўлган техника воситасининг ёхуд кўрсатилиши лозим бўлган хизматнинг қиймати миқдорида компенсация тўланади.

Ногирон реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини бутунлай рад этган ёки бу дастурнинг айрим қисмлари рўёбга чиқарилишини рад этган тақдирда, тегишли ташкилотлар мазкур дастурнинг ёки дастур айрим қисмларининг бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

4-БОБ. НОГИРОНЛАРНИНГ ТАЪЛИМИ ВА УЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ

15-модда . Ногиронларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш шакллари

Ногиронларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш: ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган шаклларда, экстернат, масофадан ўқитиши, давлат таълим стандартлари асосида оиласидаги таълим ва мустақил таълим шаклларида амалга оширилади.

16-модда . Ногирон болаларнинг мактабгача таълими

Ногирон болаларнинг мактабгача таълими мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилади. Агар ногирон болаларнинг соғлиғи мактабгача таълим муассасаларида бўлиши имкониятини истисно этса, ногирон болаларнинг мактабгача таълими ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шу жумладан, интернат-ўйларда амалга оширилади.

17-модда . Ногиронларнинг умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълими

Ногиронларнинг умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълими барча таълим муассасаларида, зарур бўлган ҳолларда эса ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Стационар даволаш-профилактика ёки реабилитация қилиш муассасаларида даволанаётган ногирон болалар учун ўқув машгуллари ташкил этилади.

18-модда . Ногиронларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Ногиронларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларида, шу жумладан, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шунингдек ногиронлар жамоат бирлашмаларининг корхоналарида ижтимоий таъминот муассасалари билан биргаликда ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ таъминланади.

Касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш даврида ногиронларни моддий жиҳатдан таъминлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19-м о д д а . Ногирон болаларнинг мактабдан ташқари таълими

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ногирон болаларнинг уларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантиришга, уларда ижтимоий фаолликни, меҳнатта қизиқиши тарбиялашга, уларни илм-фан, техника, санъат ва спортта жалб этишга қаратилган мактабдан ташқари таълимдан фойдаланишини таъминлайди, бунинг учун зарур шароитлар яратади.

20-м о д д а . Ногирон болаларнинг оиласдаги таълими

Ногирон болаларнинг оиласдаги таълими таълим муассасаларида, шу жумладан, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олишнинг имкони бўлмаган тақдирда, ота-онанинг ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг истаги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Бунда ота ёки онага ёхуд ота ёки она ўрнини босувчи шахсга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда моддий таъминот ҳамда имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари, шу жумладан, ихтисослаштирилган таълим муассасалини ногирон болаларнинг оиласда таълим олишида ота-онага ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга ёрдам кўрсатиши шарт.

21-м о д д а . Ногирон болаларни стационар муассасаларда тарбиялаш ва ўқитиш

Стационар муассасаларда доимий равишда турадиган ногирон болалар учун мазкур муассасалар томонидан тарбия ва таълимнинг ижтимоий-маиший ҳамда меҳнат кўникмаси ҳосил қилиш билан уйғун ҳолдаги узлуксизлиги таъминланади.

22-м о д д а . Имо-ишора тили

Имо-ишора тили Ўзбекистон Республикаси томонидан шахслар ўртасидаги мuloқot воситаси сифатида тан олинади. Имо-ишора тилининг ҳукуқий мақоми ва унинг кўлланилиши соҳаси қонун хужжатларида белгиланади.

5-Б О Б . НОГИРОНЛАР МЕҲНАТИ

23-м о д д а . Ногиронларнинг меҳнат шароитлари

Ташкилотларда банд бўлган ногиронларга ногиронни реабилитация қилининг якка тартибдаги дастурига мувофиқ зарур меҳнат шароитлари яратилади. Жамоа ёки якка тартибдаги меҳнат шартномасида белгиланадиган меҳнат шароитлари, шу жумладан меҳнаттага ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақти режими, йиллик ҳамда кўшимчча таътилларнинг мuddати норматив-ҳукуқий хужжатларда назарда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронларнинг аҳволини ёмонлаштирумаслиги ёки ҳукуқларини чекламаслиги керак.

24-м о д д а . Меҳнат қилиш ҳукуқини ногиронлар томонидан рўёбга чиқариш

Ногирон меҳнат шароитлари одатдагича бўлган ташкилотларда, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиладиган ихтисослаштирилган корхоналарда, цехлар ва участкаларда ишлашга, шунингдек қонун билан тақиқланмаган якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Ногиронлиги туфайли ногирон билан меҳнат шартномаси тузишни ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга күтаришни рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, ногиронни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди, тиббий-ижтимоий экспертизанинг хulosасига кўра ногироннинг соғлиги касб вазифаларини бажаришга моненик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа шахсларнинг соғлиги ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно. Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин илгариги ишига ёки шунга тенг ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

25-м о д д а . Ногиронларни иш билан таъминлаш

Ходимларининг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхоналарда, муассасалар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камидаги фойзи миқдорида иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди.

Ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ижро этмаганлиги учун корхонага, муассаса ва ташкилотга ҳар бир яратилмаган иш жойи учун ана шу корхона, муассаса ва ташкилот ходимининг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида жарима солинади.

Жарима солиши суд томонидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳукуқбузарлик содир этишдаги айбига иқрор бўлган ҳамда жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Тўланган жарима суммалари Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига йўналтирилади ҳамда улардан ногиронлар учун иш жойлари яратишида, ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи корхоналарни, муассасалар ва ташкилотларни кредитлашда, ногиронларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишида фойдаланилади.

Ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорини ижро этмаганлик учун жарима тўланганлик корхоналарни, муассасалар ва ташкилотларни ушбу Қонуннинг ногиронларни иш билан таъминлашга доир талабларини бажаришдан озод этмайди.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш учун ногиронларнинг эҳтиёжларини ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган корхоналар, цехлар ва участкалар ташкил этилади. Кўзи ожиз ногиронлар шароитлари ўз имкониятларига мос келадиган ишлаб чиқаришида иштирок этишида имтиёзли ҳуқуқга эга.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар уйда ишловчи ногиронларга, шунингдек тадбиркорлик фаoliyatiни амалга оширувчи ногиронларга мазкур фаoliyati учун яшашга мўлжалланмаган жойлар берилишида, хом ашё олиши ва маҳсулот сотишида зарур ёрдам кўрсатади.

6-Б О Б . НОГИРОНЛАРГА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

26-м о д д а . Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш турлари

Ногиронларга қўйидаги турлардаги ижтимоий ёрдам кўрсатилади:

пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар);
техника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан автомобиллар, ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, маҳсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар ва сигнализаторлар билан таъминлаш;

тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилиш ва майший хизматлар кўрсатиш;
транспорт хизматлари кўрсатиш;
дори воситалари билан таъминлаш.

27-м о д д а . Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатувчи давлат органлари

Ногиронларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, ҳалқ таълими, бошқа давлат органлари томонидан тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссияларининг хуносалари асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

28-м о д д а . Ногиронларга ижтимоий-майший хизмат кўрсатиш

Ногиронларга ижтимоий-майший хизмат кўрсатиш меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, ҳомийлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтож ногиронларга туман, шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан ўйда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш стационар муассасаларида тиббий ва майший хизматлар кўрсатилади.

Агар ходим иш берувчининг айби билан ногирон бўлиб қолса ҳамда ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтож бўлса, унда иш берувчи ногирон меҳнат қобилиятини йўқотган даврда уни тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ёки тиббий-маслаҳат комиссияларининг хуносасига биноан парвариши қилаётган шахсни ўз ҳисобидан таъминлаши ҳамда жабрланган ходимга етказилган моддий зарар ва маънавий зиённинг ўринини қоплаши шарт.

29-м о д д а . Ногиронларнинг интернат-ўйларда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасаларида бўлиш шароитлари

Ногиронларнинг интернат-ўйларда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасаларида бўлиш шароитлари ногиронларнинг ушбу Қонунга мувофиқ ўз ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш имкониятини таъминлаши, уларнинг эҳтиёжлари қаноатлантирилишига кўмаклашиши керак.

30-м о д д а . Ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамни молиялаштириш манбалари

Ногиронларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармалари маблағлари, шунингдек ташкилотлар ва фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ижтимоий ёрдам берилади.

31-м о д д а . Ногиронларга ва ўз таркибида ногирони бор оиласаларга имтиёзлар

Ногиронларга ва ўз таркибида ногирони бор оиласаларга уй-жой бериш, уларнинг уй-жой олиши, қуриши ва ундан фойдаланиши бўйича имтиёзлар уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

Уй-жойга эга бўлмаган ногироннинг соғлигини реабилитация қилиш чоратадбирлари натижасида интернат-ўйда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасасида бундан кейин бўлишига зарурат қолмаган тақдирда, унга яшаш учун қулай уй-жой майдони берилади.

Болалиқдан ногиронларға ҳамда бошқа I ва II гурұх ногиронларига тұраржой уларнинг иш жойларига, даволаш-профилактика муассасаларига ва транспорт йұналишларига яқын бўлиши зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда берилади.

Интернат-үйларда ёки ногиронларға ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасаларида турдиган етим ёки ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ногирон болалар вояга етганидан кейин ногиронни реабилитация қилишининг якка тартибдаги дастурига мувофиқ, агар дастурда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ва мустақил турмуш тарзи олиб бориш имконияти назарда тутилган бўлса, уй-жой майдони билан навбатдан ташқари таъминланади.

Ногиронларни дори-дармонлар билан таъминлаш, уларга техник ёки бошқа вositалар бериш, шунингдек майший хизматлар ва транспорт хизматлари кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида бепул ёки имтиёзли шартлар асосида амалга оширилади.

7-Б О Б . НОГИРОНЛАРНИНГ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

32-м о д д а . Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари тушунчаси

Ногиронлар ўзларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида ногиронлар томонидан ташкил этилган ташкилотлар ногиронларнинг жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

33-м о д д а . Ногиронларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш

Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида тузилади.

34-м о д д а . Ногиронларнинг жамоат бирлашмаларига моддий-техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш

Ташкилотлар ва фуқаролар ногиронларнинг жамоат бирлашмаларига моддий-техник ҳамда молиявий ёрдам кўрсатиши мумкин.

8-Б О Б . ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

35-м о д д а . Низоларни ҳал этиш

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида ҳал этилади.

36-м о д д а . Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганилик учун жавобгарлик

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганиликда айбор шахслар белгиланган тартибида жавобгар бўлади.

6-ИЛОВА

ҚОНУНЧИЛИК ҲАМДА НОРМАТИВ – ХУҚУҚИЙ АСОСЛАНИШ ЮЗАСИДАН ҲАВОЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни

Ўзбекистон Республикаси «Иш берувчининг фуқаролик маъсъулиятини мажбурий сугурталаш » қонуни

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни

Ўзбекистон Республикаси уй-жой кодекси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги «Капитал қурилишда савдо танловларини ташкиллаштириш ҳақида»ги 302-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли «Ўзбекистон Республикаси «Иш берувчининг фуқаролик маъсъулиятини мажбурий суурталаш » қонунининг амалдаги тадбиғи юзасидан чоратадбирлар ҳақида»ги Қарори

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг 2003 йил 30 декабрдаги 10-сонли қарори

«Капитал қурилишда икки босқичли савдо танловларини ўтказиш тартиби юзасидан асоснома»

«Курилиш, қайта таъмирлаш, техник анжомлаш, лойиҳалаш, материал ва қурилмаларни сотиб олиш ҳамда қурилиш обьектларини жиҳозлаш танлов хужжатларини экспертиза (текширув) дан ўтказиш тартиби юзасидан асоснома»

ШНҚ 2.07.01-03 «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг ривожланиши ва қурилишини режалаштириш»

ШНҚ 2.08.02-07 «Жамоат бинолари ва иншоотлари»

ШНҚ 2.07.02-07 «Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш».

ШНҚ 2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»

ШНҚ 2.08.01-05 «Турар — жой бинолари»

ШНҚ 2.08.04-04 «Маъмурий бинолар»

ҚМҚ 2.09.04-98 «Корхоналарнинг маъмурий ва майший бинолари»

ҚМҚ 2.01.01-94 «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар»

ҚМҚ 2.01.03-96 «Зилзилавий ҳудудлардаги қурилиш»

ШНҚ 2.04.09-07 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси»

СанҚваН № 0092-99 «Санитария қоидалари ва нормалари». «Турар жой ва жамоат биноларини, ногиронлар ва аҳолининг камҳаракатланувчи гуруҳлари томонидан фойдаланиладиган турар — жой қурилмаларини лойиҳалаш».

СанҚваН «Ақлан ва жисмонан заифликка эга болалар учун ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатларининг таркибий тузилиши, жиҳозлашиши, жойлашуви юзасидан санитария қоидалари».

**Ногиронлар учун
қулай мұхит яратиши
асослари**

Архитекторлар, курувчилар, лойиҳаловчилар, обьект қурилиши буюртмачилари, ташкилот рахбарлари учун методик материаллар маълумотномаси сифатида тайёрланган

Тошкент — «SMI-ASIA» — 2010, 64 бет.

Нашр этувчи — *A. B. Арапов*

Дизайн ва иллюстрация — *M. Кудряшева*

Ўзбекистон Республикаси Мекнэт ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:
тел. 239–44–03; Авлоний қўчаси, 20а.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:
тел. 244–15–93; Абай қўчаси, 6.

БМТ Тараққиёт Дастури:
тел. 120–34–50. Тарас Шевченко қўчаси, 4.
<http://www.undp.uz>

Нашриёт «SMI-ASIA» МЧЖ. Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон майдони, 36-2а.

Босишга руҳсат этилди 17.12.2010 й. Адади 2000 нусха.

«Mega Basim» босмохонасида чоп этилди. Baha is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.

ISBN 978–9943–17–022–3.